




БҮЮК АМОМАР ИЖОАДА АҲИМНИК ВА БАГРИКЕНГИНИК ФОЯМАРН

ЖАХОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ
УНИВЕРСИТЕТИ

ТИНЧЛИК ТАЪЛИМИ ВА МАДАНИЯТЛАРАРО
ҲАМЖИҲАТЛИК МАРКАЗИ

БУЮК АЛЛОМАЛАР ИЖОДИДА
АҲИЛЛИК ВА
БАҒРИКЕНГЛИК ФОЯЛАРИ

Тошкент - 2005



UNIVERSITY OF WORLD ECONOMY AND DIPLOMACY

**CENTER FOR PEACE EDUCATION
AND INTERCULTURAL UNDERSTANDING**

**ORIENTAL THOUGHTS ON PEACE
AND TOLERANCE**

**Edited by Dr.Prof. Z. Islomov,
Prof. Sh.Sirojiddinov, F.Usarova**

**Publication was implemented under the UNESCO
Participation Programme Request
№ 27216103 UZB**

Tashkent - 2005

*Ушбу нашр ЮНЕСКО қатнашув дастури
доирасида чоп этилган*

Муаллифлар: **З.М. Исломов** – Тошкент Ислом
Университети исломшунослик илмий-тадқиқот маркази
директори, ф.ф.д., профессор.
Ш.С. Сирожиддинов, – Жаҳон тиллари
Университети проректори, ф.ф.д., профессор.
Ф.Х. Ўсарова, ЖИДУ катта ўқитувчisi.

Тақризчилар: **Нарзулло Жўраев**, с.ф.д., профессор.
Г.А. Агзамова, т.ф.д., профессор.

Нашрга масъул: **Ф.Х. Ўсарова**

© Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2005.

МУНДАРИЖА

Сүз боши 5

I-БҮЛİM

Имом ал-Бухорий 9
Абу Мансур Мотуридий 21
Маҳмуд аз-Замахшарий 26

II-БҮЛİM

Алишер Навоий фалсафаси: ишқ, эзгулик,
багрикенглик - дунё асоси 38

III-БҮЛİM

XIX аср охири ва XX аср маърифатпарварлари
ҳамда жадидлар ижодида тинчлик ва бағрикенглик
фалсафа маданияти 58
Аҳмад Доңиш 59
Маҳмудхўжа Беҳбудий 64
Абдулла Авлоний 67
Фитрат 71

Сўз боши

Эътиборингизга ҳавола этилаётган рисола Жаҳон иқтисодиети ва дипломатия Университети қошидаги «Тинчлик таълими ва маданиятлараро мулоқот» маркази ва ЮНЕСКО ташкилоти кўмагида нашрга тайёрланди. «Буюк алломалар ижодида тинчлик ва бағрикенглик гоялари» деб ном олган ушбу рисола марказнинг биринчи қалдирғочларидан бўлиб, бундан кейинги нашрларда аждодларимиз, алломаларимиз ижодида, асарларида тинчлик ва бағрикенглик фалсафаси, маданияти ҳақида маълумот бериб бориш ниятимиз бор.

Бугунги кунда ядро полигонларида эмас, балки мафкураий полигонларда кўп масалалар ҳал бўлмоқда. Рисола ёшларнинг диний экстремизм, ақидапарастилик каби турли хил ётни зарарли оқимларга кириб қолишларини олдини олишга, мафкуравий бўшлиқни миллий истиқлол гояси билан тўлдиришга хизмат қиласи деб умид билдирамиз. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, гояга қарши гоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билангина кураш олиб бориш зарурлиги ҳозирги давр талаби сифатида улкан аҳамият касб этмоқда. Ушбу рисола маърузачи ўқитувчиларга, олий ўқув юртлари талабаларига ва маданий меросимизга қизиққан кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Ўзбекистон мустақилликка эришуви шарофати билан барча соҳаларда, айниқса, маънавиятимиз тарихини, маданий меросимизни ҳар томонлама илмий, ҳаққоний ўрганишга кенг имкониятлар яратилиши туфайли ўтмишда маданиятимиз ривожига бевосита ва билвосита катта ҳисса қўшган, биз учун номаълум бўлган ёки инкор этиб келинган шахсларнинг номлари эндигина ҳар томонлама ўрганилмоқда.

Ушбу рисола ҳам Марказий Осиёлик ва Марказий Осиёда фаолият кўрсатиб, тарихда ўз асарлари, хизматлари, ижоди билан из қолдирган, маданият ривожига қўшган улкан ҳиссалари учун дунёда ном қозонган сиймолар ҳақида ҳикоя қилади. Рисоланинг биринчи бўлими IX-XII асрлардаги маданий ҳаётга бағищланган бўлиб, имом ал-Бухорий, Абу Мансур Муҳаммад Мотуридий ва Маҳмуд аз-Замахшарий маданий ҳаётнинг юксалишига қўшган ҳиссалари ҳақида кенг маълумот берилган. Буюк аллома имом ал-Бухорийнинг асарларидағи ота-онаға, фарзандларга, инсонларга, айниқса, жамиятдаги етим-есир, беваларга яхшилик қилиш каби

чақириқларни ўрганиш бугунги кунда муҳимдир. Инсон учун дунёда энг мұйытабар зотлар ота-она ҳисобланади. Ислом манбаларидан ота-онани улуғлаш, уларнинг хизматини қилиш энг савобли амаллардан эканлиги алоҳида таъкидланади. Чунки бағрикенглик, ҳалоллик-поклик, иймон, эътиқод каби хислатлар илк бора айнан оиласа, маҳаллада сингдирилади. Бу эса ота-онага, маҳалла-кўйга катта масъулият юклайди. Дарҳақиқат, доно халқимиз «қўшнинг тинч, сен тинч» деб, бежиз айтмаган. Шунинг учун ҳам маърифат, маънавият кучли бўлган, илм-фан ривожланган мамлакатда ҳар доим тинчлик-осойишталик ҳукм суради.

Маҳмуд аз-Замахшарийнинг «Мақомат аз-Замахшарий» асарига алоҳида эътибор қаратилган. Унда яхшилик ва ёмонликни бир-бирига таққослаб, яхшилик қанча бўлса ҳам оз, ёмонлик эса озгина бўлса ҳам қанчалик ҳалокатли оқибатларга олиб келишини кўрсатган. Шунинг учун ҳам у инсонларни огоҳликка ва меҳр-оқибатга чақирган. Алломанинг замон талабларига жавоб бера оладиган, инсонларни эзгулик, хайрли ишларга ундан, уларни бузгунчилик, ҳасад, ёмон ишлардан қайтаришга қаратилган асарларидан бири «Атвок уз-захаб фил-мавоъиз вал-хутаб» асаридаги комил инсон тарбияси, жамият ҳаётига салбий таъсир қиладиган иллатлар юзасидан қизиқарли мулоҳаза юритилган. Чунки маънан ва жисмонан етук комил инсонларгина энг олий неъмат, муҳим устувор йўналишлардан бири бўлган мустақилликни мустаҳкамлашга, тинчликни асраб-авайлашга қодир бўлади.

Алломаларимиз асарларидан келтирилган парчалар бугунги кун ёшлари мағкуравий иммунитетини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Яъни тинч-тотувликни асраб-авайлаш, мустақилликни мустаҳкамлаш нақадар муҳим эканлигини ёшларнинг онги ва қалбига сингдиришга хизмат қиласди.

Иккинчи бўлим Алишер Навоий ижодига бағишланган бўлиб, унда тинчлик, дўстлик, ўзаро ҳурмат каби олийжаноб хислатларнинг инсон ҳаёти учун нақадар муҳимлиги ёритилган. Чунки глобаллашув авж олиб бораётган даврда давлатларнинг миллатлароро, ҳалқаро муносабатларини мустаҳкамлашда ишқ, эзгулик ва бағрикенглик - дунё асоси эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Алишер Навоий ижодининг илҳом манбай - бутун гўзалликлар ва нурларни ўзида мужассамлаштирган Ишқ категорияси учга бўлиниши ҳақида ва ҳар бирининг алоҳида ёритилиши мароқли ёзилган. Бунда Инсон ким? У қандай яратилган? Инсон яратилишидан мақсад нима бўлган? Ана

шундай ва шу сингари саволларга Навоийнинг фалсафий қиришиларини таҳлил қилиш ёрдамида жавоб топилган. Боштасида айтганда, инсон қалбида одамзод ўз тараққиёти давомиди аста-секин қашф этиб бориши, яъни тилсимларни ечиб борини лозим бўлган жамики илмлар жойланган ва улар охир-оқибатда инсон учун кўринмас ва яширин бўлган Аллоҳга элтади. Бунинг учун Аллоҳ Таоло инсонга ҳақиқатни излаш қобилиятини ато этган. Шу сабабдан одамзод ихтиёрсиз равишда тинмай изланади, тажриба қиласи, моддий олам сир-синоатларини билишга ошиқади.

Инсон ўз қалбини ўрганиши зарурлиги ва шу жиҳатдан тасаввуфда инсон вужудидаги яхши ва ёмон хислатларни таҳлил қилиши ҳақидаги таълимотга алоҳида эътибор берилган. Инсоннинг гўзалликка интилиши ишқидир, илм йўлидаги фидойилиги унинг муайян соҳага муҳаббатини англатади, ватанга муҳаббат ҳам мажозий ишқидир. Алишер Навоийнинг ижоди тўла-тўқисича инсоннинг ҳар томонлама баркамол бўлиш гояси таргиботига қаратилган. Навоийнинг ишқ инсонни фаолликка чақиравчи, моддий ва маънавий ҳаётнинг барча кўринишларида етакчи ҳаётбахш куч эканлиги ҳақидағи фикрига ҳам эътибор қаратилган. Мутафаккир асарларида инсоф-диёнат, меҳр-муруват, ҳалоллик қанчалик улуғланса, манманлик, кўзбўямачилик, ёлғон каби иллатлар қаттиқ қоралганлиги шеърий парчалар ёрдамида ёритилган.

Алишер Навоийнинг диний бағрикенглик ҳақидағи қарашларига алоҳида эътибор қаратилган. Инсонларни ер юзида кечачётган барча иқтисодий-ижтимоий, сиёсий жараёнлар, инсоният тақдирига хавф тугдирувчи омилларга лоқайд бўлмасликка, дунёда эзгулик, бағрикенглик ҳукмронлик қилишига эришув учун курашга чорлаши ёритилган. Алломанинг «Лисон ут-тайр» достонидаги нафс - энг ёмон иллат, деган фикрлари ёки ота-онаға ҳурмат, тилга эътибор, чақимчилик, фисқу фужурлардан сақланиш масаласининг ёритилиши бугунги кунга қадар ўз қимматини сақлаб қолган.

Учинчи бўлим XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи ярмидаги маданий ҳаётга багишлиланган. Бу даврда Шарқ мамлакатлари, жаҳонда бўлиб ўтган ўзгаришлар ва шу даврда Туркистоннинг Россия томонидан босиб олиниши ва мустамлакага айлантирилиши таъсирида маданиятимиз ривожида ҳам янги, муҳим тўлқинлар, ўзгаришлар вужудга келди ва янги даврни бошлаб берди. Умуман олганда, ушбу асрларда Ўзбекистоннинг 130 йиллик асоратдаги тарихи иккита хил мустамлака даврга тўғри келади: биринчиси чор Россия-

си даври бўлса, иккинчиси қизил империя даври, деб юритилади. Бу икки мустамлакачилик сиёсатининг ҳам емирилиш даврлари бор. Айни шу даврда миллий озодлик ҳаракати намояндалари, юртнинг бошидаги миллат фидойилари таълим ислоҳоти борасида фикрлаганлар, ислоҳотни амалга ошириш, тараққиёт йўлларини қидирганлар. Чор Россиясининг емирилиш даври маҳаллий зиёлилар - жадидларнинг миллий озодлик ҳаракатига тўғри келади. Шу мураккаб даврда яшаб, ижод қилган Аҳмад Дониш, Беҳбудий, Фитрат, Авлоний ва бошқа жадидларнинг ҳаёти, қилган ишлари, дол зарб гоялари, орзулари ҳақида учинчи бўлим маълумот беради.

Уларнинг мақсади маънавиятни, таълимни, илм-фанни ривожлантириш билангина жаҳолатга қарши кураш олиб бориши эди. Маънавияти юксак, ҳар томонлама етук, комил, билимли ёшларга бой бўлган давлатгина тараққиётга қодир деб ҳисоблашган. Чунки ҳар бир маърифатпарвар келажакни ўз кўзи, дунёқараши илиа кўрган ва интилган. Масалан, Аҳмад Дониш ҳукмронларни адолатга чақириб, ривожланган давлатлар қаторига интилган бўлса, Фитрат, Авлоний, Чўлпонлар муроса, тинч йўл билан илм-фанни ривожлантириб, комил инсонларни тарбиялаш билан мустақилликка эришишни орзу қилишган. Бунда улар алоҳида эътиборни миллатлараро тутувлик, диний бағрикенглик, озодлик, эркинлик, ҳурфиксалик, ҳамфикрлилик каби гояларнинг нақадар муҳим эканлигига қаратишган.

Бугунги кунда ҳам уларнинг гоялари ўз қадр-қиммати, улуғворлиги билан жиддий аҳамиятга эга. Чунки жадидлар орзу қилган юксак маънавият фақат юксак ахлоқий фазилатларнинг ўзи эмас, у айни пайтда юксак сиёсий дунёқараш, юксак замонавий билим ва малака, фидойилик ва Ватан келажагига ишончdir. Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек: «Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч - маърифатdir»¹.

1 Каримов И.А. Тарихий хотирасиз - келажак йўқ. Тошкент, 1998 йил, 7-бет.

I- БЎЛИМ

**ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ, АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ
ВА МАҲМУД АЗ-ЗАМАХШАРИЙ ИЖОДИДАГИ
ИНСОНПАРВАР ФОЯЛарНИНГ ТИНЧЛИК ВА
БАРҚАРОЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДАГИ ЎРНИ**

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ

З.М. Исломов, ф.ф.д., проф.

“Амир ул-мўъминин фил-ҳадис” - “Ҳадис бобида мўминларнинг амири”, “Имому-л-муҳаддисин” – “Муҳаддислар имоми”, “Сайийд ул-фуқаҳо” - “Фақиҳлар сарвари” ва “Имом уд-дунё” - “Бутунжаҳон имоми” каби ўта шарафли номларга сазовор бўлган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғира ибн Бардазбек ибн Базазбек ал-Жуъфий ал-Бухорий ҳижрий сананинг 194 йили, шаввол ойининг 13 сида жума намозидан сўнг, мелодий 810 йилнинг 20 июль куни Бухоро шаҳрида таваллуд топди.

Муҳаммад аввало Бухоро шаҳридаги замонасининг энг машҳур уламо ва муҳаддислари ҳузурида таълим олди. У ёшлигидан ажойиб хотираси, ўткир зеҳни ва мислсиз қобилияти билан бошқа тенгдошларидан ажralиб турар эди. Ўн ёшида Қуръони Каримни ва Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўн мингдан зиёдроқ ҳадисларини ёддан билар эди. Бу ҳақда Имом ал-Бухорийнинг ўзи шундай дейди: “Мен бошланғич мадрасада ўқиган пайтимдаёқ Аллоҳ менга ҳадисларни ёдлаш илҳомини (иқтидорини) ато этганди”.

Имом ал-Бухорий болалигида отаси қазо қиласи. Натижада ёш Муҳаммад онаси ва акаси Аҳмад билан қолади. Ёшлигидан кўзи бир муддат ожиз бўлиб қолади.

Имом ал-Бухорий 16 ёшгача она Ватанида ўз юрти тарихини ва шу даврдаги машҳур муҳаддис уламолардан ҳадис илмини чуқур ўрганиб, ҳадис ва фиқҳ истилоҳларини пухта эгаллайди. Жумладан, Муҳаммад ибн Салом ал-Пойкандий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Муснадий ибн Салом ал-Пойкандий, Иброҳим ибн ал-Ашъас ва Муҳаммад ибн Юсуф ал-Пойкандийлардан сабоқ олди. Имом ал-Бухорий қаерда дарс олмасин, ёзиш ўрнига эътибор билан тинглаб, ёдлаб олар экан.

Шу кезларда Муҳаммад ибн Исмоил ўз даврининг машҳур муҳаддисларидан бўлмиш Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марва-

зий (736-798) ва Вакиъ ибн ал-Жарроҳ ибн Мулайх ар-Руасийнинг (714-814) катта ҳажмдаги ҳадис тўпламини ёдлаб олади.

Имом ал-Бухорий эшитган ёки ўқиган ҳадисларини ёдлаш билан кифояланмай, балки тобора бу борадаги маҳорати зиёдалашиб, уларни саҳиҳ ва носаҳиҳга, яъни ишончли ва ишончсиз, тўғри ва нотўғрига ажратиш, уларнинг иллатларини аниқлаш, ҳадис ровийларини атрофлича ўрганиб тадқиқ қилиш, ривоятларнинг нечоғлик боғлиқлиги ва шу каби ҳадис илмига тегишли бўлган масалалар билан қизиқиб, синчковлик билан ҳадисларни жамлашга бел боғлаган эди. Бундай юксак ва шу билан бирга ўта масъулиятли вазифани адо этишда ўзининг ўткир ақл-заковати ва бор қобилиятини ишга солган эдики, буларнинг барчаси у зотнинг ҳадисга бўлган зўр қизиқиши ва қолаверса, ўта ноёб қобилият соҳиби эканлигидан дарак берарди.

Имом ал-Бухорий олган илмларига қаноат ҳосил қилмай, ўз олдига ислом маданияти ривожланган, ҳадис ровийлари кўп бўлган ўлкаларга бориб, ҳадис излашни мақсад қилиб қўяди.

825 йили Имом ал-Бухорий онаси ва акаси Аҳмад билан Маккайи Мукаррамага бориб, ҳаж ибодатини адо этгандан сўнг, уларни Ватанга кузатиб, ўзи эса бу муқаддас диёрнинг олимларидан таълим олгани қолади. Ўша пайтда Маккада имом Абдулвалид ибн ал-Азракий, Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр ва аллома ал-Ҳамавий сингари бир қанча машҳур уламолар бўлиб, имом ал-Бухорий улардан сабоқ олади. Орадан икки йил ўтгач, яъни 827 йили Мадинаи Мунавварага бориб, у ердаги кўзга кўринган уламолардан Иброҳим ибн ал-Мунзир, Мутриф ибн Абдуллоҳ, Иброҳим ибн Ҳамза, Абу Собит Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ, Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ал-Увайсий каби кўпгина олимларнинг суҳбатида бўлиб, уларнинг илмларидан баҳраманд бўлади ва шу тариқа ҳадис борасидаги билимларини янада бойитишга эришади. Имом ал-Бухорийнинг шу икки муқаддас диёрга қилган илмий сафарлари олти йилча давом этади ва шу аснода вақтдан унумли фойдаланиб, ўзининг ilk асарлари “Қазоя ас-саҳоба ват-тобеин” ҳамда “Ат-Тарих ал-кабир” асарларини ёзади

Бу китоб хусусида Муҳаммад Бухорий: «Тарихий шахсларнинг ҳар бири ҳақида менда маълумот бор, лекин китобимнинг ҳажми катталашиб кетмасин, деб қисқароқ ёздим», - деган экан.

Муаррихлар ал-Бухорий ҳижозга қилган сафарлари давомида муқим турмай, ўзга мамлакатларга ҳам чиқиб турган,

доб таъкидлашади. Шундан сўнг аллома Шарқнинг нуфузли илмий марказларидан бири бўлган Басра томон йўл олади ва у ерда Сафрон ибн Исо, Имом Абу Осим ан-Набил, Бадал ибн ил-Мухбир, Хурми ибн ал-Амора, Аффон ибн Муслим, Мұхиммад ибн Аръара, Сулаймон ибн Ҳарб, Абдулвалид ат-Таёллисиј, Аърим ва Муҳаммад ибн Синон каби уламолардан таълим олади.

Шошлик муҳаддис Ҳомид ибн Исмоил ибн Исо ал-Бухорий ал-Фаззол (ваф.875) шундай деган: “Имом ал-Бухорий ўспирин чогида биз билан бирга Басра машойихларидан ҳадислар шпитарди. Ҳаммамиз устозлардан эшитганларимизни ёзиб олар олдик, ал-Бухорий эса ҳеч нарса ёзмасдан, фақат тинглаб ўтириди. Шу тариқа 16 кун ўтгач, у бирдан: «Назаримда кўп ҳадис эшитиб юбординглар, қани менга ёзганларингизни кўрсатингларчи?», -деб қолди. Биз ҳисоблаб кўрсак, ўн беш мингдан ортиқ ҳадис ёзган эканмиз. Шунда ал-Бухорий уларнинг барчасини ёддан айтиб бердики, ҳатто устозлардан ёзиб олган баъзи ҳадисларимиздаги йўл қўйилган хатоларни унинг ёддан ийтганларига қараб тузатиб ҳам олдик” деган фикрни билдиради.

Ал-Бухорий Басрага, сўнг Куфага боради ва у ерда Абдуллоҳ ибн Мусо, Абу Нуайм, Аҳмад ибн Яъкуб, Исмоил ибн Абон, ал-Ҳасан ибн Рабиъ, Холид ибн Мухаллад, Саъид ибн Ҳафс, Талқ ибн Фунам, Амр ибн Ҳафс, Урва, Қутайба ибн Ақаба, Абу Фассон ва шу каби олимлардан ҳадис эшитади. Шунингдек, ўша даврда илм-фан ўчоfigа айланган, Аббосийлар халифалигининг пойтакти бўлмиш Бағдодда ҳам бир неча бор бўлиб, юксак ҳурмат-эътибор билан қарши олинган. Имом ал-Бухорий бу шаҳарда Муҳаммад ибн Исо ат-Таббот, Муҳаммад ибн Соиқ, Аҳмад ибн Ҳанбал, Шурайҳ ибн Нұғаймон каби олимлардан ҳадислар ёзиб олган.

Ал-Бухорий шундан сўнг Мисрга бориб, Саъид ибн Абу Исо, Аҳмад ибн Шуайб каби олимлардан дарс олган. Месопотамияда ҳам бўлиб, Аҳмад ибн Абдумалик ал-Ҳарроний, Аҳмад ибн Язид ал-Ҳарроний сингари уламолардан ҳадис эшитган.

Ҳадис илмига бўлган чуқур муҳаббати туфайли олим юқорида номлари зикр этиб ўтилган шаҳарларга фақат ҳадис илмидан сабоқ олиш учунгина бориб, у ердаги машҳур уламолар билан юзма-юз учрашиб, ўз илмларини бойитишга муваффақ бўлган.

Муҳаммад ибн Ҳотамнинг ёзишича, имом ал-Бухорий: “Бир минг саксонта шайхдан ҳадис эшитганман”, - деган экан. Имом ал-Бухорийнинг ҳадис илми борасидаги билими шунчалик мукаммал бўлганки, унинг сабоқларига бутун ислом

оламидан толиби илмлар ёғилиб келган. Бундай илм давралари Бағдод, Ҳижоз ва ўз она диёри - Бухорода уюштирилган.¹

Имом ал-Бухорий кўплаб шогирдлар етиштирган. Бу хусусда ал-Фираброй: “Имом ал-Бухорийнинг бевосита ўзидан 90 минг киши ҳадис эшитган”, - деган².

Муаллифнинг таъкидлашича, имом ал-Бухорийдан сабоқ олиб, унинг илмидан истифода этганлар орасида ҳатто машҳур устозлари ҳам бўлган. Жумладан, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснавий, Абдуллоҳ ибн Мунир, Исҳоқ ибн Аҳмад, ас-Самарий, Муҳаммад ибн ал-Ҳалаф ва ибн Қутайба кабилардир. Бу буюк уламолар юксак мартабага эга бўлишларига қарамасдан, ҳадисшунослик соҳасидаги ўз малакаларини ошириш ниятида имом ал-Бухорийдан сабоқ олганлар.

Имом ал-Бухорийга тенгқұр бўлиб, унинг илмий мажлисларига қатнашган буюк олимлардан имом Абу Зуръа ар-Розий, Абу Ҳотам ар-Розий, Иброҳим ал-Ҳарбий, Абу Бакр ал-Аъянин ва бошқалар бўлиб, улар ҳадисшунослик соҳасидаги иснод, тарих, ҳадис, иллатли ҳадис ҳамда таъдил илмлари бўйича ўз даврининг буюк алломалари эди.

Имом ал-Бухорийнинг шогирдлари орасида шон-шуҳрат чўққисига кўтарилиган, ҳадис ва фиқҳ илмлари ривожига катта ҳисса қўшганлардан имом Муслим ал-Ҳажжож, имом Абдураҳмон ан-Насойй, имом Абу Исо ат-Термизий, имом Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазий, имом ад-Доримий, машҳур фақиҳ имом Ҳазима кабилар устозларидан олган илмларини оқлаб, машҳур муҳаддис олимлар бўлиб етишганлар³.

Имом ал-Бухорий Пайгамбаримиз (а.с.)нинг муборак сўзларини йигар экан, ҳар бир ҳадисни синчилкаб тадқиқ этган. Шундай воқеалар ҳам содир бўлганки, бир ҳадиснинг ровийси билан мулоқотда бўлиш ва унинг ўзидан шу ҳадисни эшитиш ниятида чексиз ва сувсиз саҳроларни босиб ўтишга тўғри келган. Ҳақиқатдан ҳам, имом ал-Бухорий ўз ровийларига жуда жиддий талабларни қўйган. Жумладан, ровийлар ўзларининг адолатлиликлари, яхши хотиралари билан танилган бўлишлари лозим эди. Имом ал-Бухорийнинг энг муҳим иши шу эдикни, бир ровий билан ундан ривоят қилган ровий ўртасида шахсий мулоқот содир бўлган бўлиши лозим эди.

Шу тариқа аллома саҳиҳ ҳадисларни аниқлаш борасида

¹ Ас-Субкий. Табақт аш-шофия ал-кубро. 2ж., Байрут 1283 ҳ.й. 212-бет.

² Ал-Қасталоний. Муқаддима ал-Қасталоний. 1-ж., Деҳли, 1284 ҳ.й. 33-бет.

³ Уватов У. Буюк муҳаддислар. Т., 1998 й., 28-бет.

мунійши тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиб, мазкур йұналишга
көне солди. Ушбу қоидалар қүйидаги беш банддан иборат шарт-
пәрдә ұз аксина топған:

1. Барча ҳадис ровийлари, то сақобаларга қадар омма як-
диллик билан тан олган обрұ-әътиборли, ишончли, иймони
бұт, ростгүй, ҳалол, зеҳни ұткыр мусулмон бўлиши;

2. Санадда (яъни ровийлар занжирида) узилиш бўлмасли-
ги;

3. Ровийлар ұз устози (яъни ривоят қилаётган кишиси)
билин шахсан мулоқотда бўлган бўлиши;

4. Ҳадисларнинг саҳиҳлигини ұзидан олдин яшаб ұтган
сифат уламолар ёинки, ҳеч бўлмаганда, ұзига замондош мұ-
қиддислар бир овоздан әътироф этган бўлишлари;

5. Ривоят қилинаётган ҳадис ҳар қандай хато-камчилик-
пәрдан холи бўлиши керак.¹

Имом ал-Бухорий асосан мана шу шартларга таяниб, шоҳ
испри “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”ни таълиф этган.

Имом ал-Бухорий ҳаётининг сўнгги саналарида Бухорога
қўйтиб келади ва ижод билан машғул бўлади. Айнан шу вақт-
дан муҳаддис ҳузурига турли ўлкалардан толиби илмлар кела
бошлайдилар. Бухоро ҳокими Холид ибн Аҳмад аз-Зуҳлий
и пл-Бухорийдан саройга келиб, унга ва ўғилларига сабоқ бе-
ришни талаб қиласди. Шунда аллома унинг чопарига: «Мен
илмни хор қилиб, уни ҳукмдорлар остонасига ташлаб қўймай-
ман», - деб жавоб қиласди. Шундан кейин ҳоким агар имом
саройга келишни истамаса, болалари учун маҳсус вақт ажра-
тиб, дарс беришини, унда бошқа талabalар иштирок этмасли-
гини таъкидлаб, яна элчи юборади. Лекин бу сафар ҳам рад
жавобини бериб, илм олишда хоссу авом тенг ҳуқуққа эга
эканлигини билдириб, агар ҳукмдор илм олиш мақсадида
бўлса, уйи ёки масжидга келишини сўраб: “Агар таклифим
маъқул келмаса, сиз ҳокимсиз, менинг дарс беришимни ман
қилишингиз мумкин, лекин одамлардан илмни беркитмаёт-
ганим учун қиёматда Аллоҳ ҳузурида бир узр бўлади”, -дей-
ди.² Бу дадил жавобдан ғазабланган ҳоким алломани сургун
қилиш йўлларини қидиради. Чунки аллома беҳисоб мусул-
монларнинг меҳру муҳаббатини қозонгани туфайли, ҳоким
уни куч билан чиқара олмас әди. Лекин ҳоким айёрлик билан
бошқача йўл тутди - бир тўда ифвогарларни тўплаб, алломага
қарши халойиқнинг ғазабини қўзғатадиган гапларни излаб

¹ Қосимий Жалолиддин. Ҳаёт ал-Бухорий., Байрут, 1992 й., 30-бет.

² Ал-Асқалоний. Ал-Ҳадя ас-сорий, 660-бет.

топишни амр этди. Шундан фойдаланиб, улар муҳаддиснинг шаънига нолойиқ гапларни тарқатганлар¹. Ҳоким шуни рӯкач қилиб, алломани шаҳардан чиқаришга муваффақ бўлди. Ином Бухордан чиқиб, Пойкентга келади. Пойкентликлар ҳам бу туҳматлардан хабар топиб, иккига бўлинган эди. Бу ҳолатни кўриб, бу ерда яшаб қолишини ўзига эп кўрмаган муҳаддис Самарқандга йўл олади. Бироқ самарқандликлар ҳам унга нисбатан турли фикрда эканлигини сезиб: «Аллоҳим даргоҳинг нақадар кенг бўлмасин, ер юзи менга торлик қилиб қолди. Энди мени ўз раҳматингга олгин!» дея Аллоҳга илтижо қиласди².

Кўп ўтмай муҳаддис бетоб бўлади ва 256 ҳижрий сана-нинг Рамазон ҳайити кечаси, 870 йилнинг 31 августида ва-фот этади.

Буюк ватандошимиз имом ал-Бухорий нодир зеҳни, зўр ижтиҳоди-ю, ноёб истеъоддлари билан ҳадис илми соҳасидаги буюк хизматлари туфайли ўз замондошлари орасида ҳам, кейинги авлодлар орасида ҳам катта ҳурматга сазовор бўлиб, бу илмда тенги йўқ аллома бўлганликларини барча эътироф этади.

Ином ал-Бухорий нафақат буюк аллома, балки ўзининг гўзал ҳусни хулқи, одамохунлиги, пурҳикмат экани ва беқиёс даражадаги саховати билан бошқалардан тамомила ажрабли турган.

Ином Бухорий ўзидан катта ҳажмдаги улкан илмий мерос қолдирган. Унинг “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”, “Ал-Адаб ал-муфрад”, “Ат-Тарих ал-кабир”, “Ат-Тарих ас-сағир”, “Китоб ал-илял”, “Китоб асмо ас-саҳоба” каби асарлари давримизга қадар етиб келган ва маънавий меросимизнинг нодир дурдоналаридан ҳисобланади.

Олимнинг “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асари алоҳида аҳамият касб этади. Үндаги адаб бўлимига (адаб китоби) ҳам кўплаб эътиборга молик, пурмаъно ҳадислар киритилган. Бу бўлимдан одоб-ахлоқ, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, инсон ва табиат мувофиқлиги каби мавзуларга оид ҳадислар ўрин олган. “Саҳиҳ ал-Бухорий”нинг тўртинчи жилдидан ўрин олган ушбу бўлимда 128 та боб бўлиб, уларда жами 256 та ҳадис жамланган. Улардан 181 таси муттасил, қолган 75 таси эса муаллақдир. Мазкур ҳадисларнинг 20 таси асарнинг бошқа ўринларида ҳам бироз ўзгаришлар билан қайтарилган. Бу

¹ Абу Бакр Аҳмад ал-Хатиб ал-Баҳдодий. Тарихи Баҳдод. 2-ж., 1997 й., 33-бет.

² Ал-Муборакфурий, Сийрат ал-имом ал-Бухорий. Ҳиндистон, 1986 й., 63-бет.

бўлимдаги ҳадисларнинг 237тасини имом Муслим ҳам ўз китобларида келтирган.

Ушбу бўлимдаги бобларнинг мавзуларига назар ташласан, қўйидагилар намоён бўлади: бўлим ота-онага яхшилик қилиш ҳақидаги ҳадислар билан бошланади. Бу бежиз эмас, чунки ислом динида ота-онага итоат қилиш ва уларнинг ҳурматларини жойига қўйишга катта эътибор қаратилган. Ота-онага бўйсунишнинг мукофотлари-ю, уларга осийликнинг гуноҳлиги ҳақидаги ҳадислардан сўнг ака-ука ва қариндошларнинг ўзаро меҳр-оқибатларига оид ҳадислар келади. Кейин эса, болаларга яхшилик қилиш, уларни эркалаш хусусида ҳадислар ёритилади. 24-27-бобларда эса ўксик кишиларга меҳрибонлик қилиш фазилати ҳақида сўз боради. Бу ҳадисларда жамиятдаги етим-есирлар, беваларга эътибор қаратиб, уларнинг хизматларида бўлишга чақириқлар акс этади.

Маълумки, исломда қўни-қўшничиликка катта эътибор берилган. Асарда инсонга уёки бу жиҳатдан яқинлиги бўлган ёки бирор мусибат етган кишиларга меҳрибонлик қилиш борисидаги ҳадислардан сўнг инсонга хос фазилатлар, хулқ-атибор ҳақида сўз юритилади. Уларда ширинсўзлик, хушмуомалилийк, ўзаро ёрдам, саховат ҳақида ҳадислар келтирилади. Сўнгра эса, ҳар бир мусулмон йироқлашиши лозим бўлган хулқлар ҳақида сўз боради. Уларда гийбат, мунофиқлик, сўкиш ва бошқа мавзулар ҳам ёритилади. Бундан ташқари, адаб бўлимидан гумон, кибр, аразлаш, табассум қилиш каби одобларни шарҳловчи ҳадислар ҳам ўрин олган.

Қўриниб турибдики, асарда инсон ҳаётида муҳим бўлган бирламчи одоб-ахлоқ ҳақидаги ҳадислар келтирилган. Уларнинг ўзаро узвийликда келиши киши диққатини тортади. Яъни бўлим ота-онанинг розилигини олиш ҳақидаги ҳадислар билан бошланиб, ака-ука ва қариндошлар ўртасидаги муносабитларга ўтилади. Сўнг қўни-қўшни билан алоқаларни яхшилиш, барча мусулмонлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, кишилар ўртасидаги муносабатлардан бевосита инсоний хусусиятларга ўтилади. Демак, имом ал-Бухорий ўз асарини таълиф этишда амал қилган тартибга бўлимларнинг ички таркибида ҳам риоя қиласи - ҳар бир боб ўзидан олдинги ва кейинги бобга узвий боғлиқликда келади.

Буларнинг бари ал-Бухорийнинг муҳаддислик илмини нақлдар чуқур эгаллаганини ва унинг “Саҳиҳи ал-Бухорий” асари бежиз бу соҳадаги асарларнинг гултожиси ҳисобланмаслигини кўрсатади.

Имом ал-Бухорий “Адаб” китобини “Итоаткорлик ва меҳрибонлик” ҳақидаги боб билан бошлайди. Табиий равища

одам учун энг меҳрибон, азиз инсонлар ҳисобланган ота-оналарга кўрсатилажак меҳр-мурувват олимнинг диққат марказида турган, шу боис у айнан шу мавзуга алоҳида диққатни қаратади. Жумладан, Мұхаммад (с.а.в.)дан Аллоҳ таоло азза ва жаллага қайси амал маҳбуброқдир, деб сўраганларида, Пайғамбар (а.с.) шундай амаллардан бири сифатида ота-онага итоат қилмоқликни келтирадилар, яъни инсонни дунёга келтириб уни оқ ювиб, оқ тараб, ўстириб, ҳаётда ўз йўлини топишга ёрдам берган ота-онага доимо итоат этиш зарурлиги кўрсатилади. Чунки бу улуг зотлар ўз фарзандларига ҳеч қачон бирор бир ёмонликни раво кўрмайдилар.

Бу ўринда, айниқса, оналар ҳурматининг жуда эъзозланишини таъкидлаш лозим: Абу Ҳурайра ривоят қиласидилар: “Бир одам Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, менинг яхши муомала қилмоғимга ким ҳақлироқдир?” - деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ: «Онанг!” - деб айтдилар. У: “Яна ким?” - деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ: «Онанг!” - дедилар. У: “Яна ким?” - деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Онанг!” - дедилар. У: “Яна ким” - деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ (бу сафар): “Отанг!” - деб жавоб қиласидилар”.

Инсон учун дунёда энг мўътабар зотлар ота-она ҳисобланади. Ислом манбаларида ота-онани улуғлаш, уларнинг хизматини қилиш энг савобли амаллардан эканлиги алоҳида таъкидланади.

Ином ал-Бухорий “Ал-адаб ал-муфрад” асарида ҳам фарзанднинг ота-онага нисбатан муносабатларига батафсил тўхтабиб ўтади, жумладан, шундай дейилади: Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинади: “Қайси бир мусулмон фарзанди савоб умиди билан эрталаб ота-онасини зиёрат қиласа, Аллоҳ таоло унга жаннатдан иккита эшик очади. Агар улардан биттасини зиёрат қиласа, унга жаннатнинг бир эшигини очади. Бола ота-онасидан қайси бирини хафа қиласа, уни рози қилмагунча Аллоҳ таоло ундан рози бўлмайди” дейдилар. Шунда бир киши «Агарда ота-оналар болага зулм қиласа, бола нима қилиши керак?” - деб сўради. Абдуллоҳ: “Агар улар болага зулм қилсалар ҳам бола уларни ранжитмаслиги керак”, - дедилар.

Айни пайтда ота-онанинг ҳаққини адо этиш ҳар бир инсон фарзанди учун ҳам фарз, ҳам қарз саналади. Бу борада имом ал-Бухорий ҳазратлари келтирган қўйидаги ҳадислар ибратлидир:

Абу Ҳурайра (р.а.) айтадилар: Расулуллоҳ: “Боланинг отаси бироннинг қули бўлган бўлса, уни хўжасидан сотиб олиб озод қилмагунча, унинг ҳаққини адо қилган бўлмайди”, дедилар.

Абу Бурда ибн Аби Муаи ал-Ашъарийнинг айтишларича, Абдуллоҳ ибн Умар бир яманлик одам ўз онасини опичлаб, хонаи Каъбани тавоғ қилдириб юрганини кўрдилар. У одам қўйидаги бийтни оҳанг билан ўқирди:

*Онаи зорим учун бўйнимни эгтан теваман,
Тевага минган онам ҳорсалар ҳам мен чарчамам.*


У шуни ўқиб туриб Абдуллоҳга қаради-да: “Эй Абдуллоҳ ибн Умар, мана шу хизматим билан мен онамнинг ҳаққини адо қила олмадимми?” - деб сўради. “Йўқ, бу хизматинг сени туғиш вақтида онангни қийнаб турган тўлғоқларининг биттасига ҳам баробар эмас”, деди. Кейин Абдуллоҳ ибн Умар хонаи Каъбани тавоғ қилдириб ва мақоми Иброҳимга бориб икки ракат намоз ўқиб олиб менга қараб: «Эй, Абу Муса ал-Ашъарийнинг ўғли! Мана шу ёрда ўқиладиган икки ракат намоз ўзидан илгариги гуноҳларига киффорот бўлади», - дедилар.

Абу Мурра айтадилар: “Марвон ибн ал-Ҳакам Мадинадан бирор жойга сафарга кетгандан ўз ўрнига Абу Ҳурайрани қолдириб кетарди. Абу Ҳурайра Зул-Ҳулайфада туриб, ўzlари бир хонада, оналари бошқа хонада яшарди. Абу Ҳурайра қачон ўз хоналаридан ташқарига чиқадиган бўлсалар, оналарининг эшиги олдига келиб салом берардилар-да: “Мени ёшлигимда тарбият қилганинг учун сизга Аллоҳ Таолонинг раҳмати бўлсин”, - дер эдилар. Оналари ҳам у кишининг саломларига жавоб қайтариб: “Катта бўлганингда менга яхшилик қилаётганинг, розилигимни олаётганинг учун сенга ҳам Аллоҳ Таолонинг раҳмати бўлсин”, - дер эдилар. Абу Ҳурайра ташқаридан қайтиб келганларида ҳам она бола ўртасида шу муомала такрорланарди”.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос (р.а.) айтадилар: бир киши Расулуллоҳ ҳузурларига ҳижрат қилмоқ учун байъат қилишга келди. Аммо ота-онаси унинг кетишига рози бўлмай, хафаликдан йиглаб қолган эдилар. Шунда Расулуллоҳ: “Сен ҳозир ота-онанг олдига бор! Ҳижрат қиласман деб уларни хафа қилганингдек, энди ҳижрат қилмайдиган бўлдим, деб уларни курсанд қил”, - дедилар.

Гуноҳларнинг энг каттаси ота-онага оқ бўлиб, уларнинг дилини ранжитишидир. Буюк муҳаддис инсонларни бундан қайтариб, Расулуллоҳнинг саҳих ҳадисларини келтиради:

Абу Бакр (р.а.) айтдилар: “Расулуллоҳ: “Мен сизларга гуноҳларнинг энг каттасини айтиб берайми?” - деб уч мартаба сўрадилар. Саҳобалар: “Эй Расулуллоҳ, айтиб беринг”, - дейишиди. “Аллоҳ Таолога ширк келтириш ва ота-онага оқ бўлиш”, - дедилар. Расулуллоҳ шу вақтда ёнбошлаб ўтирган эдилар кейин яхши лаб ўтириб олдилар-да: “Огоҳ бўлиндлар! Шу катта гуноҳлар-



дан бири ёлгон гапирмоқ, туҳмат қилмоқдир”, - дедилар. Шу охирги сўзларини шу қадар кўп тақрорладиларки, мен ичимда, Расулуллоҳ чарчадилар, энди гапларини тўхтатсалар ҳам бўларди, дедим”.

Шунингдек ота-онани сўкмаслик, уларнинг дуосини олиш, ҳаттоки, ота-она вафотидан кейин ҳам уларга яхшилик қилиш тўғрисидаги ҳадисларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Абу Усайд (р.а.) ҳикоя қиласидар: биз Расулуллоҳ ҳузурларида эдик, шу вақтда бир киши: “Ё Расулуллоҳ, ота-онамнинг ҳаёт вақтларида қилган яхшиликларимдан ташқари, уларнинг вафотидан кейин яна нима қилсан шу яхшилигим давом этади?” - деб сўради. Расулуллоҳ: “Тўртта нарсани қилиб юрсанг, уларга қиласидаги яхшилигинг давом этаверган бўлади. Уларнинг бирламчиси, ота-онанг ҳақига дуо қиласан ва гуноҳларини кечирмакни Аллоҳ Таолодан сўрайсан, иккиласи, уларнинг насиҳат ва шаръий васиятларини амалга оширасан, учламчи, уларнинг дўстларини ҳурматлайсан ва тўртламчи, қавм-қариндошлар билан улар туфайли қарор топган қариндошлик алоқаларини узмайсан”, - дедилар.

Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: “Киши ўлгандан кейин нима учундир унинг нуфузи кўтарилиб қолади. Шунда у таажжубланиб: “Эй раббим! Бу даражамнинг кўтарилиши нимадан ҳосил бўлди?” - деб сўрайди. Аллоҳ Таоло томонидан: “Эй бандам, орқангда қолган бола-чақаларинг мен учун қилган истиғфорлари натижасидир”, - дейилади.

И мом ал-Бухорий “Адаб” китобида қариндошлилик муносабатларининг энг нозик нуқталари хусусида сўз юритиб, уни Расулуллоҳ раҳм деб таъриф берган ҳадисларда кўрсатиб берган:

Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): “Ризқи кенг ва фаровон бўлишини ва ҳаёти узоққа боришни яхши кўрадиган киши қариндошларидан ўзини узмасин”, - дедилар.

Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) айтдилар: “Ким Аллоҳ Таолодан қўрқса ва қавм-қариндошларига яқиндан ёндашса, ажали таъхир қилинади (яъни, умри узоқ бўлади), моли кўпаяди ва аҳли аёллари уни яхши кўрадиган бўлади”, - дедилар.

Инсонларнинг бир-бирига меҳр-муруvvват, раҳм-шафқати туфайли улар орасида дўстлик ришталари боғланади. Ислом манбаларида раҳм қилмайдиган киши қаттиқ қораланади.

Расулуллоҳ (с.а.в.): “Силаи раҳм қилмайдиган киши жаннатга кирмайди”, - дедилар.

Сайд ибн Самъон (р.а.) айтдилар: Мен Абу Ҳурайранинг ёш болалар ва ақли етук бўлмаган, енгил табиатли кишилар-

нинг амирлик мансабида бўлиб қолишларидан паноҳ сўраётганинни эшитдим. Ибн Ҳасан ал-Жуҳани Абу Ҳурайрадан “Бунинг аломати нима?” - деб сўраганларида, Абу Ҳурайра: “Бунинг аломати - силай раҳмнинг узилиши, тўғри йўлга бошловчи кишига итоат қилинмай, эгри йўлга бошловчига итоат қилиниши», деб жавоб бердилар.

“Адаб” китобида бундан кейинги мавзу сифатида болалар тўғрисидаги ҳадислар келади. Аввало, қиз боланинг ҳуқуқлари ва уларнинг тарбиясига оид Расууллоҳ сўзлари ифодалиниди.

Ақаба ибн Омир (р.а.) айтдилар: мен Расууллоҳдан: “Кимди учта қиз бўлиб, уларнинг тарбиятидаги қийинчиликка сабр ётса ва топган молидан уларнинг кийим-кечакларини бут қилса, улар ул кишига дўзахдан парда бўлади”, - деган гапларини эшитдим, дедилар.

Абдуллоҳ ибн Аббос Расууллоҳдан ривоят қиласидилар. Расууллоҳ: ҳар бир мусулмон кишининг иккита қизи бўлиб, уларни яхши ахлоқ, яхши муомала билан тарбият қилса, қизлари албатта унинг жаннатга кишига сабабчи бўлади, - дедилар.

Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтадилар: Расууллоҳ: “Кимниң учта қизи бўлиб, уларни ўз қўлида тарбият қилиб катта қилса ва уларга марҳамат назари билан қараса, жаннатга кириши албатта муқаррардир”, - дедилар. Шунда бир киши: “Е Расууллоҳ! Унинг қизи иккита бўлсачи?” деб сўради. “Иккита бўлса ҳам”, - дедилар.

Фарзандларга ёшлигиданоқ одоб-ахлоқ ўргатиш, уларни доимо яхшиликка даъват қилиш ота-онанинг бурчи эканлиги ўқтирилади:

Намир ибн Абс айтишларича, ўтмиш кишилар болаларининг солиҳ-қобил бўлишлари Аллоҳ Таолонинг тавфиқи билан бўлади, аммо уларга одоб-ахлоқ ўргатиш оталарининг инзифасидир, дер эканлар.

Башир ибн Саъд (р.а.) ўз ўғиллари Нуъмон ибн Баширни қўтариб Расууллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келдилар-да: “Е Расууллоҳ! Мен шу ўғлим Нуъмонга фалон-фалон нарсаларни бердим, сиз шунга гувоҳ бўлинг”, - дедилар. Шунда Расууллоҳ: “Ҳамма болаларингга ҳам шундай нарсаларни бердингми?” - деб сўрадилар. Башир: “Йўқ, фақат Нуъмоннинг ўзигигина бердим”, - деган эдилар, Расууллоҳ: “Шундай қилган бўлсанг, мен бунга гувоҳ бўла олмайман, бошқа одамларни гувоҳ қил!” - дедилар.

Кейин: “Ўзингнинг фарзандларингнинг ҳаммаси сенга бир хилда яхшилик қилишларини хоҳлайсанми?” - дедилар. У

киши: “Албатта, шундай бўлишларини хоҳлайман”, - деган эдилар, Расулуллоҳ: “Ундей бўлса, Нуъмоннинг ўзигагина бериб, бошқаларини маҳрум қилишинг дуруст эмас”, - дедилар.

Ином Бухорий ҳазратларининг буюклиги шундаки, улар ҳадислар тўплаб, уларни китоб ҳолига келтирганда, мавзуларнинг давомийлиги, изчиллигига алоҳида эътибор берганлар. Айниқса, “Адаб” китобида бу ҳолатни янада яққолроқ кўриш мумкин. Шундай қилиб, навбатдаги мавзу қўшничилик муносабатларига бағишиланган. Жумладан, аввало, қўшни ҳаққига тўхталағидан бўлсак:

Ҳазрати Оиша айтадилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): “Ҳазрати Жаброил қўшни ҳаққига риоя қилиш тўғрисида менга шу қадар кўп васият (топшириқ) қилдиларки, мен уни ҳатто молимга ҳам меросхўр қилиб қўйсалар керак деб ўйладим”, - дедилар.

Абу Шурайх ал-Хизоий (р.а.) айтадилар: Расулуллоҳ: “Ҳар ким Аллоҳ Таолога ва қиёмат кунига ишонса, қўшнисига яхшилик қилсан, меҳмонини ҳурмат қилсан ва яхши-ширин сўзли бўлсан. Агар айтадиган яхши сўзи бўлмаса, унда гапиришдан тилини сақласин”, - дедилар.

Қўшниларга ҳадя улашиш борасидаги ҳадислар ҳам ибратлидири:

Ҳазрати Оиша айтадилар: “Мен Расулуллоҳдан: “Ё Расулуллоҳ! Менинг иккита қўшним бор, ҳадяни шулардан қайси бирига беришим керак?” - деб сўраганимда, Расулуллоҳ: “Қайси биттасининг эшиги сенга яқинроқ бўлса, ўшанга беррасан”, - дедилар.

Айни пайтда ёмон қўшнидан паноҳ тилашиш хусусида ҳадислар мавжуд:

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинди: Расулуллоҳнинг қилиб юрадиган дуоларидан бири шундай эди: “Эй Аллоҳ! Мен яшайдиган ердаги ёмон қўшнининг ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман, чунки фоний дунёдаги ёмон қўшнидан кўчибгина қутулишинг мумкин”.

Абу Ҳурайра айтадилар: Расулуллоҳ: “Қайси бир кишининг ёмонлиги ва озор беришидан қўшниси тинчимайдиган бўлса, у жаннатга кирмайди”, - деганлар.

Навбатдаги мавзуда етим болаларга меҳр-шафқат қилиш ҳақида сўз боради:

Мурра ал-Фаҳрий ибн Амр (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қиласидилар: Расулуллоҳ: “Етим боланинг тарбиятини ўз устига олган киши жаннатда мен билан шундай яқин бўлади”, - деб ўрта бармоқлари билан иккинчи бармоқлари (ибҳомлари)ни кўрсатдилар.

Асмо ибн Умайд (р.а.): “Қўлимда бир етим бола бор”, - деб иби Сиринга айтди. Шунда ибн Сирин: “Ўз болангга қандай қарпайдиган бўлсанг, қўлингдаги етимга ҳам шундай қаргини. Ўз болангни нима учун урадиган бўлсанг, етим болани қим шунинг учун ур!” - дедилар.

Фарзанди ўлган кишининг фазилати тўғрисида ҳам ҳадисшар борки, унда инсонга кучли иродава сабр-тоқат талаб қилиниди. Хусусан, бу ҳақда ҳадисларда шундай берилган:

Жобир ибн Абдуллоҳ айтадилар: Расулуллоҳ: “Кимнинг учта боласи вафот этса, бу Аллоҳ Таолонинг иродаси деб сабр қилиб ва шу сабри учун Аллоҳдан савоб умид қилса, у киши жиннатга киради”, - деганларида, биз: “Ё Расулуллоҳ! Агар унинг иккита боласи ўлиб, шунга сабр этган бўлса-чи?” - деб сўрадик. Расулуллоҳ: “Иккита бўлса ҳам”, - дедилар. Шунда Жобир ибн Абдуллоҳга: агарда Расулуллоҳдан: “Битта боласи ўлган бўлса-чи?” - деб сўраганда, Расулуллоҳ: “Битта боласи ўлгин бўлса ҳам,” - дедилар.

“Адаб” китобида кишининг биродарига ва ўзгаларга яхшилик қилиши тўғрисида ибратли ҳадислар берилган: Қўбайса иби Бурма ал-Асадий (р.а.) айтадилар: мен Расулуллоҳ ҳузурнирида эдим. Шу пайтда Расулуллоҳ: “Бу дунёда яхшилик қилган кишилар охиратда яхшиликка эришадилар ва шариптда ёмонлик деб саналган ишларни қилувчилар охиратда ёмонликка дучор бўладилар,” - дедилар.

Пайғамбаримиз Мұҳаммад (с.а.в.) гўзал ахлоқ, юксак одоб соҳиби бўлганлиги боис ҳам ушбу мавзуларга алоҳида эътибор берганлар. Имом Бухорий ҳам айнан шу мавзуларга оид ҳадисларни тўлиғича тўплашга ва ўзининг асарларига киритишга ҳаракат қилган. Одоб мавзусидаги кенг қамровли ҳадислар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Улар инсонларни том маънода одобли бўлишга, ота-она, қариндош-уруг, ёру биродар, умуман, барча пок ниятли инсонларга меҳрли, шафқатли, саховатли бўлишга ундайди.

Абу Мансур Мұҳаммад Мотуридий

Мовароуннаҳр дунё тамаддунининг йирик марказларидан ҳисобланади. Жумладан, бу кўҳна заминда ислом дини билан бир қаторда бошқа динлар ва маданиятлар эмин-эркин фаолият олиб борган. Ўлкага ислом динининг кириб келиши қадимдан мавжуд илм-фан, маданиятни янада юксакларга кўтарди. Хусусан, ислом дини билан боғлиқ илмлар, тафсиршунослик, ҳадисшунослик, фикҳ, калом ва бошқа қатор соҳалар ўзининг

янги, янада юксакроқ тараққиёт босқичига ўтди. Мана шундай соҳалардан бири ақида - калом ҳисобланади. Бутун ислом оламидаги икки йирик калом мактабининг бири - мотуридия айнан шу заминда юзага келди. Буюк мутакаллим, аллома Абу Мансур Мұхаммад б. Мұхаммад Мотуридий ушбу калом мактабига асос солди.

Мотуридийнинг туғилиш санаси ҳақида манбаларда турли-ча маълумотлар келтирилади. Мана шундай маълумотлардан бири сифатида 870 йил қабул қилинганди. Шунга кўра юртимизда 2000 йил унинг 1130 йиллиги кенг нишонланди. Самарқандда унинг мақбараси қайта тикланди, янги меъморий обида яратилди, қатор халқаро илмий анжуманлар ўтказилди, китоблар чоп этилди.

Мотуридий бутун умрини асосан Самарқандда ўтказди. Ўз давридаги ислом илмларига оид асар, манбаларни, айниқса, ақидавий масалаларни чуқур ўрганди. Чуқур тафаккур, улкан салоҳият, кенг қамровли билим янги ақидавий йўналишга асос солинишига олиб келди. Мотуридийнинг шундай юксак илмий даражага эришишида устозларининг хизматлари катта. Жумладан, унга етуқ олим Абу Наср Аҳмад Иёдий, Абу Бакр Жузжонийлар устозлик қилганлар. Ўз навбатида Мотуридий ҳам Абу Аҳмад Наср ибн Аҳмад Иёдий, Абулҳасан Али Рустуғфоний, Абдулкарим Паздавийларга ақида, калом, ислом илоҳиёти асосларини ўргатган.

Илмий тадқиқотлар Мотуридийнинг ўн бешга яқин асарлар яратганлигини кўрсатмоқда. Улар жумласига «Китоб таъвилот ал-Қуръон» ёки «Таъвилоти аҳлис-сунна», «Китоб ат-Тавҳид», «Китоб маахаз аш-шария», «Китоб ал-жадал», «Китоб ал-усул», «Китоб байан ваҳмил-муътазила», «Китоб рад аваъилл-адилла лил-Қаъбий», «Китоб ар-радд алал-Қаромита», «Китоб радд ал-усул ал-хамса» каби асарлари киради.

Мотуридийнинг юқоридаги катта илмий аҳамиятга эга асарлари барча мусулмон дунёсига кенг тарқалган. Шу боис, у ҳаётлик чогидаёқ «Имом ул-ҳуда» - «Ҳидоят йўлига бошловчи имом», «Қудвату аҳлис-сунна» - «Аҳли сунна пешвоси», «Қолеъу абобилил-фитна вал-бидъя» - «Фитна ва бидъят тўдаларини қўпорувчи», «Имом ул-мутакаллимин» - «Мутакаллимлар имоми», «Мусаҳҳиҳу ақоид ил-муслимин» - «Мусулмонларнинг ақидаларини тузатувчи, ислоҳ қилувчи» каби шарафли номларга сазовор бўлган.

Мотуридий таълимоти ва асарларининг ўз давридаги, шунингдек, ҳозирги кундаги аҳамияти жуда бекиёс. Чунки ҳижрий иккинчи асрга келиб ислом аҳли орасида турли хилдаги келишмовчиликлар кўзга ташланиб қолган эди. Мана шун-

дий шароитда хорижийлар, мұтазилийлар, шиаликка ман-
суб сабаия, кайсония, мугирия, жағария, имомия, зайдия,
имомиля, наззория кабилар ислом ақидасини турлича талқ-
ии қила бошладилар. Бу каби фирмаларни «адашган фирмалар» деб атаганлар ва уларнинг диний сиёсий иддаолари на-
тижесида тұқнашувлар рүй берган, мусулмонлар қурбон
бұлғанлар.

Мотуридий мана шундай зиддиятли шароитда яшаса ҳам,
шунинг билими, тафаккурини ислом динининг соғлигини
өңілаб қолишиңға қаратди. Жұмладан, у ислом ақидаси асосла-
рими тартибга келтирди, ислоқ қилди, тушунарлы тарзда ақида
ақосларини баён қилиб берди. Шу тариқа турли адашган фирмаларнинг илмий асоссиз эканлиги ва улар күтариб чақаёт-
гии даъволарнинг асл ислом моҳиятига мос келмаслигини клас-
сик манбалар асосида құрсашиб берди.

Мотуридий таълимотини яққолроқ тасаввур қилиш ҳамда
ислом ақидасидаги мұтадиллигини тушуниш учун айрим
дилилларни келтириш мүмкін.

Жұмладан, мұтазилийлар маълумотларни қабул қилиш-
ди фиқат ақлга сұяниш керак десалар, мотуридийлар ақл би-
ллиң нақлни қўшиб фойдаланиш зарур деб биладилар;

- Мұтазилийлар банда ўз феъл ва ҳаракатларини ўзи
нритади, десалар, мотуридийлар банданинг яхши, ёмон феъл
ни ҳаракатларини Аллоҳ яратади, дейдилар;

- Мұтазилийлар Аллоҳни охиратда кўриш мүмкін эмас,
дейдилар. Мотуридийлар охиратда, жаңнатда мұммиллар
Аллоҳнинг дийдорини кўрадилар, деб айтадилар;

- Мұтазилийлар жаңнат билан дўзахни Аллоҳ ҳануз ярат-
митган дейдилар. Мотуридийлар улар яратилган, ҳозирда мав-
жуддир дейдилар;

- Мұтазилийлар «Қабрда азоб ҳам, роҳат ҳам йўқ. Охи-
ритда тарозу, Пулсирот кўприги, ҳавзи Кавсар, шафоат каби
иңирсалар ҳам бўлмас» - дейдилар. Мотуридийлар уларни ҳақ
деб биладилар;

- Мұтазилийлар имоннинг шартлари учта, яъни тил би-
ллиң иқрор, дил билан тасдиқ, амал билан тасдиқ ва амал би-
ллиң ижро этиш десалар, мотуридийлар имоннинг шартлари
иккита, яъни пайғамбаримиз келтирган барча хабарни тил
билан иқрор этиш ва дил билан тасдиқлаш. Амал хоҳ савоб
бўлсин ва хоҳ гуноҳ, уларнинг ўрни бошқа деб таъриф этади-
лар;

- Гуноҳи кабира қилган мусулмон имондан чиқади, ле-
кин куфрга дохил бўлмай аросатда қолади, деб мұтазилий-

лар айтган бўлса, мотуридийлар кабира соҳиби мўъминлиги-ча қолади, фосиқ бўлса-да кофир бўлмайди. Тавбасиз вафот этган осий бандалар ҳукми Аллоҳнинг хоҳишига ҳавола дейдилар;

- Муқаллид, яъни бошқаларга тақлид қилиб, ўзини мусулмон санаб юрувчилар имони мўътазилийлар наздида мақбул эмас. Мотуридийлар эса уни мақбул санайдилар;

- Мўътазилийлар ва ашъарийлар имон кўпайиб-озайиб туради десалар, мотуридийлар имон яхлит нарса, у кўпаймайди ва озаймайди, балки унинг нури гоҳида кўпайиб, гоҳида хиралашиб туради дейдилар.

Мотуридий таълимотининг ва айниқса илоҳиётининг асослари унинг давримизгача етиб келган «Китоб ат-Тавҳид» - «Аллоҳнинг ягоналиги ҳақидаги китоб»ида акс эттирилган. Ушбу китоб ўз ҳажми, фикр бойлиги ва услубига кўра, Мовароуннаҳрда ўзидан аввал илоҳиёт соҳасида яратилган жами асарлардан устун туради. Бу асар исломнинг асосий ақидаларини жамлаб, уларга қулай таърифлар бериш билан чекланмайди. Унинг мақсади - бутун ислом илоҳиётини тафтиш этиш ва уни инкор этиб бўлмас далиллардан ташкил топган яхлит тизим сифатида тан олиш лозимлигини кўрсатиб бериш.

«Китоб ат-Тавҳид» доирасига киритилган ҳамма мавзулар ҳам бирдек қиммат қисқа ёки давомлилиги билан бир-биридан анча фарқ қиласди. Асарнинг мақсадлари баён этилган муқаддима қисқартирилган кўринади. Бевосита муқаддимадан кейин келган ва қаломнинг дастлабки катта муаммоси – дунёнинг фонийлиги ва онтологик тузилишига бағишланган бир неча варақдаги мулоҳазалар янада ихчамроқ кўринади. Шундан сўнг баён усули анча батафсиллик қисқартирилган касб этади. Бу, масалан, Аллоҳ тавсифи ва ягоналигининг ҳимояси масаласи марказий ўринни эгаллаган кейинги парчада, айниқса, яққол намоён бўлади. Бундан кейинги фаслларда, жумладан, пайғамбарлар таъсири, гуноҳ ва жазо, шунингдек, имонни тўғри тушуниш ҳақида сўзлар боргандা ҳам далиллар фоят синчковлик билан ва аниқ ифода этилади.

Муаммоларнинг бундай изчиликда келиши матнга хос хусусият бўлмай, у ёки бу даражада ислом рисолаларининг одатий тузилишига мувофиқdir. Мотуридий айрим парчалар ичида риоя қилган тартиб ҳам қалом илмида қабул қилинган муайян низомга асосланади. Баъзи ўринларда Мотуридийнинг мулоҳазалари қайтариқлар эвазига чўзилиб кетган ва баъзи жойларда у депсиниб қолган. Бунинг сабаби, муаллиф ўзининг тобора тезлашаётган баёнига иккита секинлаштирувчи унсур қўшганидадир.

Улардан биринчиси ва энг кўп учрайдигани шундаки, муаллиф кўриб чиқилган муммога яна қайтиб, бошқа рақибнинг исмларини номма-ном кўрсатиб, мунозарага киришиди. Яъни, Мотуридий тўғри деб ҳисоблаган якуний ҳукм ўзунчига аллақачон маълум: аммо билдирилиши мумкин оғулги эътирозлардан ҳимоя қилинади ҳамда қарама-қарши ҳукм қабул қилинган тақдирда юзага келадиган хато ва зиддинтларни кўрсатиш йўли билан янада тасдиқланади. Шу каби мулоҳизалар мисолида ислом илоҳиётининг диалектик тузилиши янада аниқ намоён бўлади ва унинг, ўз навбатида, муаллифимиз услугигагина эмас, балки каломга хос умумий қувусият эканлиги бизга маълум.

Иккинчи унсур, аксинча, фақат «Китоб ат-Тавҳид»га хос. Шу үринда бутун матн давомида тез-тез учраб турадиган баён ши диллларнинг маълум ўринларда қайтарилиши кўзда тутилмоқда. Мотуридий томонидан йўл қўйилган хато эмас, оғулки китобнинг ўзига хос услубда ёритилганини билдиради. Аммо буни аниқлаш учун бундай қайтариқларни шунчаки иғриб чиқишининг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун кўпроқ «Китоб ат-Тавҳид» асарининг умумий кўринишини тиклаш лопим бўлади, шунда ички тузилиши Мотуридий томонидан қинидай тасаввур этилгани ва ишлаб чиқилганини кўриш мумкин.

«Китоб Таъвилот аҳли сунна» асари Мотуридийнинг иккинчи йирик асари ҳисобланади. Абулюср Паздавийнинг таъкидлашича, «Таъвилот» ўз соҳасида мисли йўқ асардир, Мотуридийгача бўлган муаллифлар томонидан бу даражадаги бирорта асар яратилган эмас ва бу соҳадаги бирорта асар унинг діражасига ета олмайди. Ушбу асар ўз давридаёқ кўплаб етуқ олимларнинг диққатини тортган. Жумладан, Аловуддин Мұхиммад б. Аҳмад ас-Самарқандий (ваф. 587/1191) асарга каттигина шарҳ ёзган.

«Таъвилот» асари ҳозирги кунга қадар қўлёзма ҳолида қолиб келмоқда. Унинг айрим қисмлари, жумладан, Қуръондиги Фотиҳа ва Бақара сурасининг 141-оятигача бўлган қисми бир жилд қилиб Қоҳирада нашр этилди. Шунингдек, Даккада 1981 йили асарнинг бошланиш қисми чоп этилган. Умуман, «Таъвилот аҳли сунна» Қуръон тафсирларининг энг қимматлиси ва диққатга сазовори ҳисобланади.

Ал-Мотуридий Аллоҳнинг яхшилик паноҳи эканлиги, кишилларнинг эзгулик йўлида бирлашиб, яқдил жамоатчилик фикри шаклланишига халақит беришидан юқори туриши, аксинча, унинг айнан яхшилик қилиш йўлидаги жамоатчилик фикрига йўл бериши уларга савоб ёзилишини асослаб

беради. Зеро, Мотуридий фикрига кўра, кишиларнинг яхшилик йўлида бирлашишлари уларнинг моҳият мазмунини ташкил этади. Аллоҳ кишиларга эътиқод этиш, ихтиёр қилиш ва тўғри йўлда фаолият, амаллар юритиш имкониятини берган. Кишилардан бирор бир имкониятнинг олиниши, уларни эътиқод ва амал мажбуриятларидан халос этади. Демак, Мотуридий фикрига кўра, кишилар мустаҳкам эътиқод, асосланган ихтиёр, ирода бирлиги негизларида тўғри йўлга кирадилар. Мотуридий Абу Ҳанифа асослаган назария асосида барча амалларни, хусусан, меъёrlар, эътиқодлар, қоидалар, фаолиятларни Аллоҳ яратади, аммо уларнинг барчасини инсон танлайди ва ўз ихтиёри билан амалга оширади, деб қарайди. Танлаш ва ихтиёр қилиш жараёнларида инсоннинг масъулияти, эътиқодий жавобгарлиги намоён бўлади.

Агар инсонлар яхшилик йўлида бирлашсалар, улар Яратганинг қўллаб-қувватлашига умид қўлсалар бўлади, яъни «Тавфиқ» кучга киради, агар улар ёмонлик йўлида бирлашсалар, Аллоҳ ўз ҳимоясидан бундай кишиларни чиқариб ташлайди, яъни «Хизлан» кучга киради деб таъкидлайди.

Мотуридий жабарийларнинг «инсоннинг ҳамма амаллари олдиндан унинг тақдирида ёзиб қўйилган, шу боисдан у ўзи қилаётган ишларга масъул эмас», деган нуқтаи назарини ҳам, қадарийларнинг «Аллоҳ инсон фаолиятлари ва амалларига ҳимоячи эмас», деган нуқтаи назарини ҳам асосли танқид қилиб, инсон яхши ва ёмон амалларни ўз әркига кўра танлаши ва бу йўлда Аллоҳнинг мададини олиши назариясини илгари суради.

Умуман, Абу Мансур Мотуридийнинг шахси, илмий маънавий меросига узоқ муддат эътибор бермай келинди. Лекин бу беназир мутакаллим ўз давридаёқ ислом ақидаси бобида катта оламшумул вазифаларни амалга оширган. У исломни турли зарарли қарашлардан, ёт таълимотлардан сақлади. Ўз асарларида мўътадил исломни ёқлаб чиқди; исломни бузишга ҳаракат қилган оқимларга зарба берди. Шу нуқтаи назардан ҳам Абу Мансур Мотуридий ҳаёти, унинг чуқур илмий асарлари бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотган эмас.

Maҳмud az-Zamahshariy

Хоразм воҳасида азалдан жаҳон илм-фани, маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган, илм-фаннинг турли соҳаларида

Олмирали ижод қилган, донги бутун мағрибу машриққа тар-
қылған күплаб алломалар етишиб чиққан. Бу табаррук за-
мниди таваллуд топган буюк алломалардан бири Абул Қосим
Мұхмуд Замахшарийдір.

Олим ҳижрий 467-сана ражаб ойининг йигирма еттинчи-
ниди - чоршанба куни (мелодий ҳисобда 1075 йилнинг 19
мартыда) Хоразмнинг катта қишлоқларидан бири Замахшар-
ди таваллуд топган. У Маккада яшаган пайтда искандария-
лик бир шогирди, «Ал-Ақд ас-самийн фи таърих ал-бадал ал-
мийн» номли тарихий асарнинг муаллифи Шаҳобуддин Аҳмад
иби ил-Хусайн ал-Моликийга йўллаган мактубида ўзи ҳақида
«Мен Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хораз-
мийман, кейин аз-Замахшарийман. Хоразмнинг бир қишло-
ғига (Замахшарга) мансубман. Замахшар туғилган юртимдир»,
деб ёзган.

Замахшарийнинг отаси унчалик бадавлат бўлмаса-да, ўз
днирининг саводли, анча тақводор, диёнатли кишиси бўлган.
Ассар вақтини Қуръони карим тиловати-ю, тоат ибодат би-
лини ўтказган. Замахшардаги бир масжидда имомлик ҳам қил-
гани. У хулқи-атвори яхши, ширинсухан ва гоятда мурувватли
киши бўлган. Бу фазилати билан эл орасида катта обрў-эъти-
бор топган.

Унинг онаси ҳам тақводор ва диёнатли аёллардан ҳисоб-
линигган. Асарларидан бирида ўз волидаси ҳақида келтирган
ушбу маълумотлар онасининг оққўнгиллигидан далолат бе-
риди ва бу ҳақда у шундай ёзади: «Ёшлигимда бир воқеа бўлган
ди. Кунлардан бир кун бир чумчуқни тутиб олиб оёқларини
иши билан маҳкам bogладим. Бироқ чумчуқ қўлимдан чиқиб
котиб, девор орасига (инга) кириб беркинди. Мен уни индан
тортиб чиқариб олдим. Оёғига боғланган ипнинг сиқиши на-
тижасида қушнинг оёғи узилиб (кесилиб) тушди. Бундан онам
қиттиқ хафа бўлиб “Сенинг бу қилган ишининг Аллоҳнинг
иљбатта жазоси бўлади деб койидилар”.

Маълумки, Замахшарийнинг бир оёғи чўлоқ бўлиб, у бу-
тун умр ёғоч оёқда юрган. Унинг чўлоқлиги сабаблари ҳақида
ғиганларида тарихчилар ҳар хил ривоятлар келтиришади.
Шулардан бири онасининг қарғиши бўлган, деб таъкидлай-
дилар. Ана шу маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, олим-
нинг ёшлиқ йиллари диний, тақводор оиласи мұхитда шакл-
ланиб, камол топган. Бунга қўшимча назмий асарларидан
бирида ота-онасию, оила аъзоларидан бирортаси ҳам на ша-
рробу, на бошқа ичимликни мутлақо истеъмол қилмаганини
плоҳида таъкидлаши ҳам бу фикримизни янада ойдинлашти-
ради. Афтидан, Замахшарийнинг отаси серфарзанд бўлган.

Чунончи, у ўз қасидаларидан бирида фарзандлари кўп, оиласи катта бўлгани учун отаси рўзгор тебратиб, тирикчилик йўлида тинмай меҳнат қилгани ҳақида ёзади.

Замахшарий дастлабки билимни она юрти Замахшарда ўз даврининг илмли кишиларидан саналган отасидан олди. Бир оёғи чўлоқ бўлиб қолгач, отаси оғир меҳнатга ярамайди, деб тикувчилик ҳунарини эгалласин, деган ниятда уни бир кийим тикувчи устага шогирдликка бермоқчи бўлади. Аммо ёшлигидан илмга кучли ҳавасманд Маҳмуд отасидан ўзини мадрасага ўқишга юборишини илтимос қиласди. Ўғлидаги илмга зўр иштиёқ, ҳавасни сезган ота унинг илтимосини бажо келтиради. Ана шу пайтдан бошлаб ёш Замахшарий илм-фаннынг турли соҳалари билан қизиқиб, ўз тенгқурлари орасида зўр қобилияти ва катта истеъодини намоён қила бошлайди. Мадрасада ўқиладиган илмларни, айниқса, араб тили ва адабиёти, диний илмлар мажмуасини тўлиқ эгаллайди. Шу билан бир қаторда ўша даврда илм аҳллари орасида муҳим ҳисобланган хаттотлик санъати сиру асрорларини ҳам мукаммал ўзлаштириб олади.

Маҳмуд Замахшарий бизга улкан илмий мерос қолдирган. Ҳозирга қадар олим қаламига мансуб 66 та асар борлиги аниқланган. Алломанинг энг машҳур асарлари сифатида «Ал-Кашшоф», «Ал-Муфассал», «Атвоқ уз-заҳаб», «Мақомот», «Рабиъ ул-аброр ва нусус ул-ахёр», «Муқаддамат ул-адаб», «Ал-Фоиқфи гарib ил-ҳадис», «Асос ул-балога» ларни келтириш мумкин. Замахшарий узоқ муддат Байтуллоҳда яшагани ҳамда ўзининг машҳур «Ал-Кашшоф» асарини яраттгани учун “Жоруллоҳ” яъни “Аллоҳнинг қўшниси” унвонига, араблар ва бошқа миллатларга араб тилидан таълим бера оладиган дараҷада кучли илмий салоҳиятга эга бўлганлиги сабабли “Устоз ул-араб вал-ажам” яъни “Араблар ва араб бўлмаган миллатларнинг устози” каби шарафли номларга сазовор бўлган.

Маълумки, Маҳмуд Замахшарий мўътазилия оқимиiga мансуб бўлган, лекин диний уламоларимизнинг фикрича, умрининг охирида аҳли сунна вал-жамоа эътиқодига ўтган. Замахшарий мазҳаб борасида ҳанафийлик мазҳабига алоҳида эътибор беради. Унинг илмга таянадиган, мўътабар мазҳаблардан эканлигига ишора қиласди, юқори баҳолайди. Жумладан, олим ўзининг «Руус ул-масоил ал-хилофия байн ал-ҳанафия ваш-шофиъия», яъни «Ҳанафий ва шофиий мазҳаблари ўртасидаги асосий қиёсий масалалар» асарида юқоридаги мазҳаблар ўртасида ҳукмида ихтилоф бўлган 406 масалани баён қиласди. Эътиборга лойиқ жиҳати шуки, Замахшарий ҳанафийлари далилини «бизнинг далилимиз» деб зикр қиласди.

Жумладан, «Навобиг ул-калим» асарида қуйидагича ёзади:

• Аллоҳ таоло еру заминни баланд ва улуғвор тоғлар билан баштганидек, дини исломни ҳам Имом Аъзам Абу Ҳанифа (р.и.) илмлари билан яшнатиб, барака берди»;

• Саховат ва халимлик Ҳотамтойга мансубdir, дин бўлса, дини исломdir, илм эса Имом Аъзам Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит (р.а.) илмидир»;

• Имом Аъзам Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит (р.а.) ҳазратларининг мазҳабига мансуб бўлган мўътабар, қадрли ва мутаборли имомлар дини исломнинг тизгинлариdir».

Маҳмуд Замахшарий ўз асарларида тасаввуфий ғояларди биркамол инсон, унинг комилликка етишишига алоҳида мутабор беради. У инсон камолотидаги энг асосий пойdevор илм деб ҳисоблайди. Илм инсонларга ҳаётда ўз ўриниларини топишинга ёрдам беради, нохуш ҳолатлардан асрайди, деб уқтириди. Жумладан, «илмли бўл ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл, лоақал илмни тинглаб эшитадиган бўл, бироқ туртинчили бўлма, чунки касодга учраб ҳалок бўласан», деб ёзади Замахшарий.

У илмга эга бўлиб, лекин унга амал қилмайдиганлар албонти завол топишини таъкидламоқда. Чунки инсон доимо илм, иқлу идрок билан иш тутиши лозим.

Замахшарий илмли кишилар, олимлар жамиятнинг пешқидим вакиллари бўлиб, улар хайрли ишларга бош бўлади-ни, деб уқтиради:

• Еру заминнинг кўркамлиги олимлар билан бўлса, осмону филакнинг зийнати эса юлдузлар биландир»;

• Ловуллаб ёнаётган оловни сув ўчиргани каби нодон одамлардан чиқаётган алангани ҳакиму оқил одамлар сўндирапарли», деб ёзади олим.

Замахшарий инсонларни ўзлари қатори инсонларга нисбатни доимо шафқатли бўлишга чақиради, уларнинг бошларига бирор-бир мусибатли иш тушганда дарҳол ёрдам қўлини топишинга ундейди ва «Агар бирор қайғу алам юз бергани ёки тиъзияли жойни эшитсанг дарҳол у ерга бор», «Одамларнинг хотири кучлиси уларнинг ичидаги энг унутувчисидир, кўнгилларнинг энг юмшоги салобатлигию шафқатлисиdir» дейди.

Маҳмуд Замахшарийнинг тасаввуфий қарашлари акс эттини асарларидан бири унинг «Мақомат» асари ҳисобланади. «Мақомоти Замахшарий» шу вақтга қадар маҳсус тадқиқ этилгани эмас.

Маҳмуд Замахшарий ўзининг «Мақомат аз-Замахшарий» исарини ҳижрий 512 йил ражаб ойининг бошида ёзиб тугатгани. Асарнинг ёзилиш сабабларини олим асар муқаддима-

сида баён қилган. Маълумки, Маҳмуд Замахшарий 512 йил арафасида жуда оғир дардга чалинади. Кунлардан бир кун у туш кўради ва тушида: «Эй Абул Қосим! Ажал - ҳақиқатдир ва орзу-умидлар эса алдамчидир!» деган овозни эшигади.

Касалликдан тузалгандан сўнг ўзининг «Мақомат» асари ни яратган. Замахшарий аксарият асарларини ҳукмдорларга атаб ёзган, жумладан, «Муқаддамат ул-адаб»ни Хоразмшоҳ Алоуддавла Отсизга, «Мақомат»ни эса Макка амири Ибн Ваҳҳосга багишлаган. Лекин манбаларда кўрсатилишича, ҳукмдорлардан унинг кўнгли тўлмаган ва кейинчалик умуман уларнинг саройига бормасликка, уларга атаб шеър ва қасидалар битмасликка, мол-дунё тамасидан воз кечиб, бутун умрини илм-фанга багишлишга қарор қиласди.

Маҳмуд Замахшарийнинг «Мақомат аз-Замахшарий» асари Макка амири Абул-Ҳасан Али ибн Ҳамза ибн Ваҳҳосга туҳфа қилинган. Олимнинг мақома жанрида қалам тебратишига унинг замондоши Ҳаририй томонидан яратилган мақомалар сабаб бўлган эди. Замахшарий Ҳаририй мақомаларидан илҳомланган бўлса ҳам, лекин уларга кўр-кўrona эргашиб тақлид қилмади, балки мақомаларга янги йўналиш бериб, мақомаларининг илмий аҳамиятини кўтарди. Ҳаририй мақомаларининг қаҳрамонлари Ҳорис ибн Ҳаммом ва Абу Зайд ас-Саружийдир. Ҳаририй мақомаларида мақомалар сюжети мана шу қаҳрамонларга боғлиқ. Аммо Замахшарий мақомаларининг қаҳрамони муаллифнинг ўзиdir. Таркибий тузилиши жиҳатидан Ҳамадоний ва Ҳаририй мақомалари бир хил, яъни ровий томонидан ривоят қилинади. Ҳамадоний мақомаларида «ҳаддасана Иса ибн Ҳишом қола» деб бошланса, Ҳаририйдаги ровий Ҳорис ибн Ҳаммомдир. Замахшарий мақомаларида «Эй Абул Қосим» деб, ўз-ўзига хитоб қилиш билан бошланади. Юқоридаги асарларнинг барчаси эллик мақомадан иборат.

«Мақомот аз-Замахшарий» асари ҳам 50ta мақомадан ташкил топган. Бу элликта мақома турли мавзуларни ўз ичига қамраб олган бўлиб, турли мажлисларда, ўтиришларда панд-насиҳат, ўғит тариқасида сўзлаш учун керак бўладиган ҳикматли сўзлар, бадиий санъатлар, шеърий парчалар, масаллар, ҳикоятлардан иборат. Мақомалар мазмунларига кўра қўйидагича номланган: Мақомат ал-марошид, мақомат ат-тақво, мақомат ар-ризвон, мақомат ал-иръиво, мақомат аз-зод, мақомат аз-зухд, мақомат ал-иноба, мақомат ал-ҳазар, мақомат ал-эътибор, мақомат ат-таслим, мақомат ас-самт, мақомат ат-тоат, мақомат ал-мунзира, мақомат ал-истиқома, мақомат

мит ит-тайиб, мақомат ал-қаноат, мақомат ат-таваққи, мақомат из-зулф, мақомат ал-узлат, мақомат ал-иффат, мақомат иш-надам, мақомат ал-вилоя, мақомат ас-силоҳ, мақомат ал-иқлос, мақомат ал-амал, мақомат ат-тавҳид, мақомат ал-ибодат, мақомат ат-тасаббур, мақомат ал-хашия, мақомат ижтиюб из-зулма, мақомат ат-таҳажҷуд, мақомат ад-дуо, мақомат ит-тисаддуқ, мақомат аш-шукр, мақомат ал-усувва, мақомат иш-насх, мақомат ал-муроқаба, мақомат ал-мавт, мақомат ал-ғуриқон, мақомат наҳю ъан ал-ҳаво, мақомат ат-тамассук, мақомат аш-шаҳамат, мақомат ал-ҳумул, мақомат ал-азм, мақомат ас-сидқ, мақомат ан-наҳв, мақомат ал-аруз, мақомат ил-қавофий, мақомат ад-дивон, мақомат айём ал-араф.

Маҳмуд Замахшарийнинг «Мақомат аз-Замахшарий» асари ҳақида батағсил маълумотга эга бўлиш учун унинг таркибий таҳлилига назар солсак. Биринчи мақома «Мақомат ал-мирошид» деб номланган. Бу мақомада аз-Замахшарий иҳтилиқ ва ёмонликни бир-бирига таққослади. Унинг фикрича, яхшилик қанча бўлса ҳам оз. Яхшилик инсонни доимо ўзига жалб қиласеради. Лекин ёмонлик озгина бўлса ҳам, унинг зарари катта, у ҳалокатга бошлайди. Агар инсон иззати кром, обрў-эътиборга эришишни хоҳласа, фақат яхшилик қилиши керак. Инсон ҳамиша огоҳ бўлиши, огоҳ кишигини ҳидоятга эришиши мумкин. Шунингдек, инсон ўз нафсини ҳиловлаши керак. У залолатга кетган инсонларни худди заҳирли илонга ўхшатади. Уларнинг заҳаридан ҳеч нарса қутқири олмайди. Фақат инсондаги Аллоҳга бўлган тақвогина, улирнинг заҳри кучини йўқотади. Нафсларига қул бўлган инсонлар ҳақида фикр юритиб, шундай дейди: улар нафслари деб залолатга кетадилар. Аллоҳ ҳар бир инсоннинг ноласини эшитади ва уларга нажот топиш учун имконият беради. Лекин улар ўз нафсларига эргашган ҳолда тўғри йўлдан адашадилар. Мақома сўнгида у ўзига ўзи шундай дейди: «Сен ўзингни уларнинг ичига урмагин. Агар сен уларга аралашсанг, ҳолингга вой. Сен улардан йироқлашсанг, Аллоҳнинг физли билан нажот топиб, ўз ниятингга эришасан».

Тақво мақомаси эса умрнинг қўли-мизда эмаслиги, дунёнинг зебу зийнатларига берилиб, уни ишада қисқартирмасликка чақиради. Бу дунёнинг зийнатлари инсонни йўлдан адаштиришини айтиб, ўзига ўзи, агар сен фозил инсон бўлсанг, тўғри йўлни танлаб олгин ва шу йўл сени ҳидоятга олиб борсин, дейди. Унинг фикрича, дунё зебу зийнатларидан сақлайдиган устун - бу тақво устунидир.

Ризвон мақомасида, ажал - ҳақиқат, орзу ҳаваслар ўткин-

чи нарсалардир, дейди олим. Унинг фикрича, инсоннинг хайрли ишлари қолади, ёмон ишлар эса ўтиб кетади, шунинг учун инсон савоби кам, гуноҳи кўп ишларни қилишдан ўзини тийиши керак. Сен икки иш ўртасида турибсан, биринчиси бир соатлик лаззат, лекин ундан кейин афсус-надомат ва бахтсизлик бўлади. Иккинчиси эса бир соатлик машаққат ва лекин ундан кейин абадий бахт-саодат, фаровонлик бўлади. Жаннатдан, Аллоҳнинг розилигидан қочиб, бахтсизлик сари шошилиб, Аллоҳнинг газабини келтириб, дўзахга чопиб кетишга ҳеч қандай баҳона, сабаб бўлиши мумкин эмас. Нафсу ҳаво, обрў-эътиборга бўлган муҳаббат сени шаҳватнинг асирига айлантириб қўяди ва сенга дунёни бир тип-тиниқ сувдек кўрсатади. Лекин мана шу тиниқ сув остида балчиқ, лойқа бор. Сен кўрган гўзаллик, жимжимадорлик ортида, албатта, бало бўлади. Фақат инсон ақл-идрокигина уни шу балолардан сақлаб қолиши, бундай ишлардан қайтариши мумкин.

Маҳмуд Замахшарийнинг замон талабларига жавоб бера оладиган, инсонларни эзгулик, хайрли ишларга ундан, уларни бузғунчилик, ҳасад, ёмон ишлардан қайтаришга қаратилган асарларидан бири унинг «Атвоқ уз-заҳаб фил-мавоъиз вал-хутаб» асариdir. Мирзо Юсуфхон Аштиёнийнинг таъкидлашича, юз мақомадан иборат ушбу асарни Маҳмуд Замахшарий Байтуллоҳни тавоф қилган вақтида ёзган. Унда ҳам инсон тарбияси, етук комил инсон масаласи, жамият ҳаётига салбий таъсир қилувчи иллатлар, шунингдек, инсонлардаги кибру ҳавонинг зарари ҳақида фикр юритилади. Замахшарий инсонга доимо илмли, адабли, тақводор бўлишини, булар инсонга энг меҳрибон ота-она каби яқин бўлишини уқтиради. Ота-она ўз фарзандларига доимо яхши ният қилиб, уларга эзгулик тилаганлари каби, илм, адаб ва тақво инсонга тўғри йўлни кўрсатади. Жўмладан, биринчи мақома билан танишсак, унда олим шундай ёзади: кишининг қадрини дину диёнати, илму маътифати ошириб қўйса, унинг фақирлиги ва етимлиги буни тушира олмайди. Шунингдек, кимда ким ёмон сифатлари ва нодонлиги туфайли қадрини туширган бўлса, у ҳеч вақт бойлик ёки насл билан уни тиклай олмайди. Инсоннинг асл отаси бу унинг адабидир. Адаб бебош фарзанд учун отадан ҳам яхши тарбиячи. Тақво-парҳезкорлик эса инсоннинг асл онасидир. У онадан ҳам дилкашроқ. Ўзингни шу икки меҳрибон мураббий бағрига топшир ва улардан зинҳор айрилма. Шундагина сени Тангри таоло ўзининг неъматлари билан сероб қилур ҳамда ҳаёting файзу барокотли бўлур.

Маҳмуд Замахшарий инсонни камтарликка ундан, ман-

милликдан йироқ бұлишга чақиради. Шундагина инсон ҳасад-
ғыллар гинасидан холи бұлади. Чунки әлнинг маълум ва ма-
шқур инсонлари доимо турли қийинчиликлар, ҳасад ва бұхтон-
норға учраб турадилар. Буларни таърифлаб Замахшарий
шундай ёзади:

• Халқ аро маълум ва машқур бұлиш учун имкони борича
шунингни камтар ва забун тут. Номингни әл аро овоза қилай
дишиңг, ўзингни ном-нишонсиз тутишга ҳаракат қил. Машқ-
урлықдан күра махфийликни афзал тут. Шуҳратдан күра хил-
итни айло бил. Шундай қилсанг, ранжу кулфат чангалидан
қалос топиб, гина-ҳасад балосидан узоқроқ бұларсан. Зеро,
ғишло шараф әгалари доимо ҳасадгүйлар ҳасадидан ва гина-
чиликтер гинасидан холи бұлмаслар».

Кейинги мақомалардан бирида Замахшарий ёзади: энг
біхтесиз одам ким дейилса, мен айтардимки, у мол-дунёсини
спікілаб, әхтиёт қилувчи, обрў-эътиборининг бемалол тұқили-
шиги рози бұлувчи, қадр-құмматини поймол қилишсада, бой-
лиги бут бұлишини истовчи кишидір. Энг баҳтли одам шуки,
у күпісүхбат ва файл-футуҳли бұлиб, мазкур йўлдан юрмай.
Ши омборчиси ва хазиначисига бойлигидан доим муҳтожлар-
ги брдам күрсатишни амир қиладиган, ўз нафси ҳавоси жүш
урганда жим бўл, деб босиб қўядиган, нафсонияти енгиллик
қилганда уни енгиг мақтов ва таҳсинга сазовор бўладиган
кишидір.

Демак, Маҳмуд Замахшарий инсонни комилликка етак-
ловчи эзгу хислатлар ҳақида гапириб уларни тұғри йўлга бош-
лийди. Шунингдек, улардаги кибру ҳаво, манманлик, шуҳ-
ритпарастлик, илмсизлик, ҳасадгүйлик қаби иллатларни
қоралайди.

Ўзининг бошига тушган қийинчиликларга чидамли одам
дүстларидан ўтадиган азиятларга ҳам бардошли бўлур. У би-
ровнинг қилган ёмонлиги учун жазо бериш ўрнига, ўзига ол-
май ёнидан ўтказиб юбораверади. Ана шундай одамга Аллоҳ
томонидан гина-ҳасадсиз дил берилган, соғ виждан ато этил-
гин дейилади. Қалби ёмонлик билан йўғрилган ва ёғланган
қоғоздаги ёзув ранги осон кетган қаби дилидан эзгулик осон
кетадиганларга Аллоҳ қирғин берсин, дейди Замахшарий.

Олим инсонларни доимо эзгулик, яхшилик қилишга ча-
қиради. Мана шу ишлар инсоннинг маънавий пок, бегараз,
ихши тилакли бўлишига олиб келади.

Аввал қилиб келган хайрлигу эзгуликларингизга кейин
ҳам эзгулик қўшаверинг, чунончи, қушнинг қанотидаги ки-
чик патлари катта патларига мададкордир, деб ёзади.

Эзгулик, хайрли ишларга астойдил кириш, уларни пайсалга солиб, кейин қиласман, деган ўйлардан воз кеч, шайтон йўлдан урадиган шошма-шошарлик билан эмас, тафаккур ва идрок билан иш тут.

Ақл-идрок ва шароитга амал қилиб иш тутган банда асл ва иккинчи даражали мақсаду матлабларини жам қилиши муқаррардир.

Инсоният тўғри йўлни танлаб, илгари бориши, ҳаётда ўзурни топишида унга ҳамроҳ кишиларнинг таъсири ҳам катта. Шу нуқтаи назардан, Замахшарий йўлдош, дўстга нисбатан огоҳ бўлишга чақиради. Агар ёмон йўлдошга эргашсанг, унинг оғуси билан заҳарланасан, яхшиси, унинг душманлари жумласидан бўл, дейди Замахшарий, шунда унинг оғусию заҳматидан қутуласан.

Кимки баҳт-иқболли, солиҳ кишиларнинг этагига ёпишса, у албатта муроду мақсадига эришиб, хайру барака топур.

Замахшарий айрим инсонлар ўзларининг яқин қариндош уруғлари, биродарларига яхшилик қилмай, бегоналарга хайру эҳсон қилиб, ёрдам кўрсатишларини айтади. Ваҳоланки, улар ўз яқинларининг муҳтоҷ, бечораҳол эканликларини биладилар. Лекин бундан кўз юмиб, билмаганликка оладилар. Уларнинг бу қилиқлари туюқушларга ўхшайди, чунки туюқушлар ўз тухумларини ташлаб, бошқа қушларнинг тухумларини босиб ётадилар. Замахшарий барча яхшилик, эзгулик, хайру эҳсон, муруувватни аввал ўз яқинларига, сўнгра бошқаларга кўрсатиш лозимлигини уқтиради.

Олим жамиятдаги, ҳаётдаги энг оғир иллатлардан бири сифатида пораҳўликни келтиради. У пора сабабли ноҳақлик юзага келишини таъкидлаб, ундан золимлик вужудга келишини айтади. Жумладан, Замахшарий шундай ёзади:

«Ислом динида икки «шин» ҳарфлари катта айблардан-дур, бири - ҳокимларга ришват (пора) бериш бўлса, иккинчи ийблиларга шафоат қилиш. Шу сабабли, пайғамбар алайҳиссаломдан: «Лаъна оллоҳу ар-роший вал-мусташий» яъни ришват (пора) олувчига ҳам, берувчига ҳам Аллоҳ таолонинг лъянати бўлсин» деган ҳадиси шариф содир бўлғандир.

Маҳмуд Замахшарий ҳалоллик, поклик, тоза меҳнат эвазига топилган барча нарсани эъзозлаш, авайлаш, ўз ўрни билан сарф-харажат қилиш лозимлигини таъкидлаб, ўз ҳаётида ҳам шунга амал қилганлигини кўрсатади. Мол-мулкни беҳуда сарфлаш инсонни таназзулга олиб келади, зиён келтиради. Аллома ушбу ўринда жуда содда мисол келтиради. «Масалан, бир қўлда олтита бармоқ бўлса, бу ортиқлик бўлмай, камчилик ҳисобланади», дейди Замахшарий.

Миҳмуд Замахшарийнинг «Атвоқ уз-заҳаб» асари ҳозирги кунди ҳам ўзининг тарбиявий аҳамиятини йўқотган эмас. Унинг асаридан келтирилган қуйидаги айрим мақомалар иккюн салоладил бўла олади:

Модомики, бирор киши сенга нисбатан биродарона муносабитди событқадам экан, сен ҳам унга нисбатан биродарлик ринитасини маҳкам туттган ҳолда боравер. Модомики, у ҳақиқатга ғидашар ва унинг учун ёру дўстлари билан биргаликда қуриншар экан сен ундан ажрама. Бордию унинг атрофидаги үлғиғтларининг кимликлари номаълум бўлса ва сўзларидан фиқит ноҳақликка ёндашиш алломатлари аниқ сезилиб қолса, у ҳолди ундан дўстнинг ўрнига чориқнинг ипини топсанг ҳам унингга алмаштириб ундан узоқлаш. Зоро, садоқатли дўст тарёқ порисидан ҳам фойдалироқ, ёмон улфат эса заҳри қотилдан иғтиҳом ҳам заарарлироқдир.

* * *

Ҳушёр ва заковатли одам улдурки, унинг фикр доираси ишонг, узоқни яқиндек кўра оладиган, гафлат уйқусидан йироқ, билки ҳамиша фикру зикр билан уйгоқ, махфий ишоратдан қим ўзига хулоса ола биладиган, сўқир кўздан ҳам ёш оқиза олидиган бўлур.

Бас, сен ҳам кўкка боқиб «етти оғайни» юлдузлардан ибрит ол ва тобут аҳлини (марҳумларни) кўриб кўз ёшингни ривон қил. Билгинки, ўзинг ҳам эртами, кечми уларга ҳамроҳ қилишинг жоиздир.

* * *

То бошингга ўлим келмагунча ҳеч кимдан ёрдамингни дириғ тутма. Муҳтоҷ биродаринга қўл очиқлик билан эҳсон қилишинг ва бу билан ўз обрў-эътиборингни сақлаб юрининг бамисоли офтоб ҳароратидан кўп ёш тўкувчи кўздирким, бу яхшилик лойиқ сифатларидандир.

* * *

Ой дунёвий фойда қидирувчи одам, бас, етар. Бу касбинг ниҳадар нохуш. Ҳадеб дунёвий эҳтиёж учун ўзингни уринтираверишинг обрўйингга путур етказаётганини унутма. Кулбингнинг тешигини ямаш учун озгина нарса кифоя, қаноатнешалик сен учун етарли дасмоядир. Бас, одамлардан тиъмагирликни узуб, Аллоҳнинг фазлу карамидан умид қилишини тўхтатмагин.

* * *

Ваҳоланки, дунёда ўз нафсиға қул, лаззат топиши учунги-на яшаётган кимсалар ҳам борки, уларга қорин тўйса бас, обрусиning тўкилиши улар учун аҳамиятсиз бир нарсадир.

* * *

Фақат дунё ва мол йигиши мақсад қилиб олган сурбет одамга унинг бу сифати ҳар томондан ўлжа келтирас, ёпиқ эшикларни очар, хурмо ва бошқа хушхўр емишларни едирадар, дадил айтишга жасоратли қиласар, қийин ишларни эса осонлаштириб берар.

Шарму хаёли юзнинг эгаси тили лол, бирорга тик боқиб сўз айта олмас, андиша ипидан чиқа олмас, доимо ҳоли танг, йигига доимо шай, бошқаларнинг қорни тўқ, у эса оч, улар сероб, у эса ташнаи об, лекин шундай аҳволда бўлса ҳам у сурбетлик қилмас, молу бойлик учун ўзини хорликка солмас.

Умримга қасамёд қилиб айтаманки, таъмагирлик ила топган матоҳи барибир оз ва носоз ҳисобланур. Аллоҳнинг ёруғ кунлари ҳаққи, пешона терининг бир томчиси ҳар қандай соҳибжамол, барно юзидан гўзал ва мешингда бир ютим сув қолмаганда ҳам бирордан сув сўрамасдан, обруйингни сақлаб қолганинг бутун бир денгиз сувига эга бўлиб туриб юзингда шарм бўлмаганидан афзалдир.

* * *

Мардлик шундай бир улуғ хислатки, у Аллоҳнинг розилигини топишига василадир. Саховат шундай бир буюк сифатки, уни доимо мақтов ила ёд этурлар. Номардлик эса шундай бир иллатки, унингдек хунук бир нарсани кўрмадим. Дўстлик ва биродарликка фақат саховат аҳлигина лойиқдурлар. Улар сабабли дардли диллар шифо топур ва синиқ сўнгаклар битур. Неъматлар сендан узоқлашганда улар яқинлаштирурлар, кулфатлар сенга ҳужум қилганларида улар күшойиш ато этурлар.

* * *

Кимики ҳаётлик даврида ман этилган ёмон ишлардан ҳазар қилиб юрган бўлса, албатта, у ўлим пайтида роҳат топгусидир. Ундей кишини Подшоҳи олам ўз фаришталари билан бирга қарши олади. Улар унга роҳат ва фароғатда бўладиган жаннат уни кутаётгани тўғрисида башорат бергайлар.

Демак, кимики савобли ишни кўрганда хурсанд бўлиб,

уни дархол бажаришга шошилса, гуноқ ишни күрганда уни тиңтиримай үзини четга олса ҳамда ёмонларни таҳқирлаш түгри-
ғидиги Аллоҳнинг амрига итоат қилиб, уларга голиб келса ва
иқнителарга ёрдам кўрсатиб ҳожатларини раво этишга ҳара-
кит қиласа, билингки, у баҳтли одам экан.

Демак, Маҳмуд Замахшарий ўз асарларида комил инсон тиғбияси билан боғлиқ масалаларни муҳим деб билади. Ин-
сон доимо илм олиши, ҳар қандай ишни ақл, идрок, фаҳму фирасат, шариатга, пайғамбар алайҳиссалом таълимотларига
мувофиқ амалга ошириши лозимлигини таъкидлайди. У жа-
миятдаги риёкорлик, порахӯрлик, исрофгарчилик, фисқу-фа-
од, бахиллик, мутакаббирлик каби барча салбий иллатларни
қоралайди ва уларни доимо йўқотиш, тузатиш зарурлигини
уқтиради.

II БЎЛИМ
**Алишер Навоий фалсафаси: Ишқ, Эзгулик ва
Багрикенглик - дунё асоси**

*Шуҳрат Сирожиддинов,
филология фанлари доктори*

Ўзбек адабиёти ва адабий тилининг асосчиси, улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий (1441-1501) ўз асарларида маънавий поклик, халқпарварлик ва маърифатпарварликни куйлаб, ўз авлодларига катта адабий-фалсафий ва илмий мерос қолдирди. Навоийнинг жамият тараққиёти, шахс камолоти билан боғлиқ фикр ва мулоҳазалари Шарқнинг буюк мутафаккирлари гоялари билан ҳамоҳангидир. Навоий ижодининг бош ҳусусиятларидан бири, сўзсиз, кишилар ўртасидаги меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик ва вафодорликнинг марказий ўринга қўйилишидир.

Ишқ, эзгулик ва бағрикенглик тамойиллари инсон ҳаёти ва дунё тизимининг асоси бўлиб, самимий инсоний муносабатлар, шахснинг муқаддас ва пок тинчликсевар туйғулари асосида пайдо бўлади, деб ўргатади буюк мутафаккир. Инсон номига муносиб бўлиш энг олий шарафдир. Навоий чин инсон жаҳолатдан йироқ бўлиши, юксак ахлоқ соҳиби бўлиши лозим, деб ҳисоблайди:

*Камол эт, касбким, олам уйидин,
Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак, биайниҳ,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.*

Маълумки, Навоий инсон ва олам, борлиқ фалсафасини тушунтиришда тасаввуф таълимотидан кенг фойдаланган. Тасаввуфда борлиқ, ундаги моддий ва руҳоний оламнинг асоси Аллоҳдир. Шундай бўлгандан сўнг, барча гўзалликларнинг, инсоний баркамолликнинг мазмунини Илоҳ ташкил этади. Бас, ориф Илоҳга интилар экан, моддий оламнинг гўзалликларига лоқайд қарай олмайди. У ҳар бир заррада Илоҳнинг тажаллийсини сезади ва улардан завқланади ҳамда борган сари Илоҳнинг бекиёс куч-қудрати, фусункорлигига асир бўла бошлайди. Асирик унинг қалбida илоҳий ишқни қўзғатади.

Алишер Навоий ижодининг илҳом манбаи - оламнинг бутун гўзалликлари ва нурларини ўзида мужассамлаштири-

Ишиң аталмиш күзгү! Ундан-да шоир ижодининг бутун
тәркути синоати, завқу таровати мангуликка дохил!

*Эй ишқ, гариб кимиё сен,
Бал ойинаи жаҳоннамо сен
Ҳам зотингга дарж кимиёлиқ,
Ҳам ойинаи жаҳоннамолик....
Хуршиди жаҳонкушой сенсен,
Миръоти жаҳоннамой сенсен,
Ким қилди сенга назарни равшан
Кўрди еру кўкдагин муайян.
Чун боққали ихтиёр топти
Ҳар сорики боқти ёр топти¹.*

Улуг мутафаккир ишқ тушунчасини учга бўлади: «Аввалинчи қисм авом ишқидурким, авом ун-нос орасида бу машҳур ва ишқидурким, дерлар: «Фалон фалонга ошиқ бўлубтур». Ва бу ишқи киши ҳар навъ кишиға бўлса бўлур, шағаб ва изтироб-лирича лаззати жисмоний ва шаҳвати нафсоний эмас ва бу қисмининг бийикрак мартабаси шаръий никоҳдурким, бори ишқидурким, ҳавос ул ишққа мансубдурлар. Ул пок кўзни пок нағор билан пок кўзга солмоқдур ва пок кўнгил ул пок юз ошуғидин қўзголмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ишқи покбоз миҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ.

Учинчи қисм - сиддиқлар ишқидурким, алар Ҳақнинг тажаллиюти жамолига мазоҳир воситасидин айру вола ва мағлубдирлар. Ва ул мушоҳада бехудлигида алардин шуур, алардин маслуб. Шуҳудлари истироққа етган ва ул истироқддин истиҳлок миқомин ҳосил қилган. Агар ҳаводис ели сипеҳр гулшани авропи чарчурса, аларга андин хабар йўқ ва анжум гулбаргларин ҳар сори совурса аларга андин асар йўқ. (Уларнинг ҳақни кўз билан мушоҳада қилиш умидлари ўзни унтиш даражасига етган ва бундан ҳам ўтиб, ҳалок бўлиш мақомига кўтарилилган бўлади. Агар қодисалар бўрони осмон гулшанининг бир қабатини учирив кетса улар бехабар ва агар юлдузлар гулбаргини ҳар томонга совурса буларга асар қилмайди. Уларнинг ҳислари ҳақ жамолини кўриш ташвиши билан ишдан чиққан, шавқ-завқлари эса Үнга бўлган ишқларининг ҳужуми остида йўқолиб битган...)»²

¹Алишер Навоий. Ҳамса /нашрга тайёрл. П.Шамсиев. Тошкент, 1960, 447-448-бетлар.

²Миҳбуб ул-қулуб: МАТ, 14 жилд. Тошкент, 1998. 65-71-бетлар.

Навоий ўзини иккинчи қисм ишқ аҳли қаторига қўшади ва бу жамоанинг улуғлари сифатида Амир Хисрав Деҳлавий, Хожа Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомийларни кўрсатиб ўтади¹.

Шоирлар ижодида ишқ мавзусининг етакчи ўрин тутган лигидан сўфийларнинг Илоҳ ишқи билан нақадар масур ва маҳжур эканликларини кўриш мумкин. Шоирлар деяпмиз, нега? Аввало сўфийлар наздида сўз илоҳийдир. Улар тасвирлаб бўлмас кенгликларни қамраб олган тахайюлларини ифодалашдаги ожизликтан руҳан қийналганлар. Навоий айтганидек, «Тилу ҳомам жаҳонни тутти, аммо ҳуснунгу ишқим қалам ҳам айлай олмас нақшу тил доғи адо қилмоқ» осон иш эмас. Сўз мулкини эгаллаш бу - сирлар оламига (ғайб) кириш, унинг илоҳий қудрати сирларидан воқиғ бўлиш эди. Шу боис Ҳофиз Шерозий «Лисон ул-ғайб» (ғайб тили), Абдураҳмон Жомий «Кошифи сирри илоҳ» (Илоҳ сирларини кашф этган) унвонлари билан машҳур бўлганлар. Шу сабаб, Шарқ бадииёт илми лафз ва маъни таносублиги ва поэтик ифодалаш йўлларига кўп эътибор берган ва бениҳоя гўзал ташбиҳу тимсолларни ишлаб чиққан.

Навоий таъриф қилганча бор:

*Сўз гуҳарига эрур онча шараф,
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф
Жон ўлуб ул, руҳ анинг қолиби
Ким танида руҳ - анинг толиби...
Айтса бу ҳусну малоҳат била,
Нуктани ойини фасоҳат била
Солғуси жинси бани одамга ўт,
Не бани одам, бари оламга ўт.*

Ибн ал-Арабий Аллоҳнинг инсон руҳи билан қўшилиши ва бир бутунлигини эътироф этиб, дейди: «Сиздаги барча нарса йўқликка маҳкум (фоний), Аллоҳдаги боқий. Биз Унинг вужудидамиз ва У бизнинг вужудимизда».

Демак, инсон қандайдир чизгилардан иборат тан ва руҳнинг соҳиби сифатида Ҳақ билан боғлиқ ва инсон Аллоҳнинг вужудида мавжуд экан, У Аллоҳ вужудида мангу ҳаёт кечиради. Аммо шундай бўлса-да, Аллоҳ ва инсоннинг фарқи бор. Ибн ал-Арабий ёзади: «Аллоҳ ва инсоннинг бир эканлигига қарамасдан, Аллоҳ бу Аллоҳдир, инсон эса инсондир». Ин-

¹ Ўша ерда.

сонга унинг тан-жасади Аллоҳга тамоман қўшилиб кетиши-
ги Ўл қўймайди. Инсон руҳи эса Ҳақ ва инсон орасидаги
робита бўлиб хизмат қиласи ва ишқ билан чамбарчас боғлиқ-
дир. Яъни Ибн ал-Арабий уч хил ишқни кўрсатиб ўтади:
«Иилгинки, ишқ уч турда бўлади: табиий ишқки, ундан му-
риод ҳайвоний руҳдаги қўшилиш: руҳоний ишқим, бу - Ал-
лоҳнинг ўз қулига (инсонга) ва қулнинг ўз Парвардигорига
ишиқидир». У қулларини севади ва қуллар ҳам Уни. Бу ишқ-
нинг мақсади иккала томондан ҳам севиш. Қул ўзининг пайдо
булишини Ҳақнинг бир кўриниши деб билади. Бунда у руҳ
сифатида танда воқе бўлади. Шундан сўнг у Ҳақ учун севим-
лиги айланади. Ишқнинг чегараси йўқ ва у орқали мабда
(Аллоҳ) танилади. Демак, инсон руҳи Ҳақ тажаллийсининг
бир зарраси экан, у ҳамма вақт ўзининг мабдаси (асл мако-
ниги) қараб интилади. Бу жиҳатдан тан - руҳ зиндони экан-
лиги тўғридир. Айтиш мумкинки, Алишер Навоий ўзининг
Ишқ таърифидаги фикрларида Ибн ал-Арабий ва бошқа та-
чилиф оламининг буюк намояндалари фикрларидан келиб
чиққан экан. Кўриниб турибдики, Ибн ал-Арабийнинг ик-
кеничи тоифага киравчи ишқ аҳли таърифи Навоий таърифи-
ни пінан муқобилдир. Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, Навоий
 ўз салафларини, ўзини ҳам пардадор қилиб шу тоифага
 киргизади. Нега? Чунки Ибн ал-Арабий таъбири билан айт-
 ганди, аввало ишқ инсоннинг ақли ёки ҳиссиётларида эмас,
 қалбida маскан тутган. Ишқ ақл-ҳуш ва вужуд ҳиссиётлари
 билан ҳамиша рақобатда. Улар ишқни қисадилар ва у тор-
 пижаналар ҳамда ташаккулот доирасида эзилади.

Ишқ фақатгина Гўзаллик билан ошно. «Гўзаллик», - дей-
ди Ибн ал-Арабий ўзининг «Футуҳот ал Маккия» асарида, -
 бирча нарсаларда мужассам, шу сабабли дунё гўзал. Парвар-
 дигорнинг ўзи ҳақиқатда гўзал ва гўзалликни севади, кимки
 Гўзалликни севса, Гўзални (Аллоҳни) ҳам севади, кимки Гўзал-
 ни севса, дунёни ҳам севади».

Навоий шундай келтиради:

*Муни билким, жаҳон фонийдур асру,
 Ҳақиқат аҳли зиндонидур асру,
 Бу ким Ҳақ айлади Инсонни мавжуд
 Анга мавжудликдин борча мақсуд.
 Эрур Ҳақ амрига маъмур бўлмоқ,
 Бу ишдин ўзгадин маъзул бўлмоқ
 Чу маҳбуби ҳақиқий улдуур ул,*

Аниңғ өссли сори қаты айламоқ йўл...
 Бу йўл ичраки беҳад дарду ғамдур,
 Узоқ тортар, vale икки қадамдур.
 Бири ўзлукни қилмоқ бўлди фоний
 Яна бир доги топмоқ бўлди они.
 Киши ўзлукни қўймай они топмас,
 Тенгиз кечмай дури яктони топмас.
 Бу ўзлукдин қутулмоқ чора сози,
 Нима йўқ ўйлаким ишқи мажозий.
 Мажозий ишқ бўлди субҳи анвар,
 Ҳақиқий ишқ, анга хур shedi ховар...
 Мажозий ишқдин ўртанса жонинг,
 Бориб сайли фанога хонумонинг.
 Ҳақиқий ишқдин эслай насиме,
 Етиб онинг насимидин шамиме.
 Бўлуб маъшуқи аслий чорасозинг,
 Ҳақиқатга бадал бўлгай мажозинг¹.

Инсон ким? Инсон қандай пайдо бўлган? Бу саволлар баъзида оламни идрок этиш, сиру синоатга бой бу дунёning ибтиносини англаш учун бир дам хаёлга берилган кишини қийнаб қўйиши табиий.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, бу саволлар инсоният ақлини таниган илк даврлардан бошлиб ҳозиргача жумбоқ бўлиб, замонавий илмда ҳам мунозаралидир. Материалистлар инсоннинг пайдо бўлиши ва ривожланиши сабабларини табиатдан қидирсалар, илоҳиётчилар уни илоҳий борлиқ билан боялаганлар. Аммо инсоннинг қандай маънавий қонунлар асосида яшashi масаласида уларнинг хуросаси бир-бирига зид эмас: «инсон ҳамиша маънан ва ақлан баркамол бўлишга, эзгуликка интилиши даркор». Ушбу мезон барча динлар таълимотида асосий ўринни эгаллади.

Ортодокс диний таълимотларнинг Комил инсон тушунчасида чекланган тасаввурга эга бўлгани уларнинг бағрида айрим диний - фалсафий оқимларнинг шаклланишига олиб келган. Ҳинддаги кришнавийлик, буддавийликдаги баъзи оқимлар, исломдаги тасаввув оқимининг асосий таълимотлари инсон руҳий-маънавий камолотини янада юксак погоналарга кўтаришга қаратилган. Шу маънода, улар ўртасида ўхшашликлар жуда кўп. Гарчи улар бир-бирлари нинг тажрибаларидан ижодий фойдаланган бўлсалар-да, диний ақида

¹ Хамса, 218-219-бетлар.

лири юзасидан улар бир-бирлари билан ҳеч қачон бирлаша олмаганлар. Фақат бир соҳа борки, унинг таълимотида диннир ягоналашган, фалсафалар бирлашган, инсоннинг асл мөдияти ҳақидаги барча диний-фалсафий қарашлар умумлаштирилган ва уни камол топтирувчи мезонлар белгиланган. Бу шеърияттир. Айниқса, тасаввуф шеъриягини, том маъноди, юксак ахлоқий фазилатлар тарбиясини тарғиб этувчи униорсал диннинг шеърий талқини деса ҳам бўлади. Алишер Навоий ижоди бунинг беназир намунасидир.

Алишер Навоий ижоди ўзигача яратилган барча диний гонлар, буюк фалсафалар, уларнинг форсий ва туркий шеъриятда акс этган талқинларини ўзида мужассам этган бўлиб, уларни янгича ҳассослик билан қайта тақдим этади. Унинг достон ва ғазалларида акс этган илмий-бадиий, диний-фалсафий тафаккури шу қадар кенгки, баъзи байтлар шарҳи ўқувчидан ниҳоятда кенг билимларга эга бўлишни тақозо этади. Навоий «Хамса»си сўнгида номаълум котиб томонидан ёзиг қолдирилган қуйидаги мисралар диққатга сазовордир:

*Навоийки, ул жомеи сирру жаҳр...
Анинг ҳар сўзи дур муаммо мисол,
Анго етмагандин хирад нутқи лол.
Жаҳон ганжи ҳар байтидадур ниҳон,
Ки ҳар ганжидадур ниҳон бир жаҳон...¹.*

Навоий таъкидлашича, моддий олам яккаю ёлгиз бўлган Пирвардигорнинг ўз тажаллийсини, бетакор гўзаллиги ва қудрати жилвасини моддиятда кўриш ва унинг жамолидан иниқланиш истаги оқибатида яратилган. Қудсий ҳадисда келтирилишича, «Довуд пайғамбар Аллоҳдан бу оламни нега иратганини сўраганида, Аллоҳ: «мен бир хазина эдим ва маълум бўлишни хоҳладим. Шунинг учун оламни яратдим», деб жавоб қилган экан.

Шоир:

*Не бўлуб аввалдин бидоят санга,
Не келиб охирда ниҳоят санга.
Сен эдингу бас яна мавжуд йўқ,
Жилва қилиб ўзунгга ўз ҳуснуңг ўқ.*

¹ 1832 йилда Бухорода кўчирилган.

*Жилваи ҳуснунгга чу йўқ эрди ҳад,
Кўзгу керак бўлди анга беадад.
Мунча гароибки мисол айладинг,
Барчани миръоти жамол айладинг.*

Бу мафтункор моддий гўзалликни яратиш унинг олий ифодаси - Инсонни яратиш гояси натижасида туғилган:

*Эй, санга мабдаъда абаддек азал,
Зоти қадиминг абадий лам язал.
Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек баридин гараз инсон эди¹.*

(маъноси: Эй, ибтидода абадий ва азалий бўлган Парваридигор, мавжудликда сенда бошланиш ва ниҳояй йўқдир. Ўзингдан бошқа ҳеч зот ва нарса бўлмаган. Ҳуснинг жилолари беҳад эди ва уларни томоша қилишга кўзгулар керак бўлди. Барча яратгандаринг (моддий олам) жамолингни акс эттирадиган кўзгуни ташкил этди. Яратган гаройиб гўзалликларинг бисотингда ҳаддан зиёд бўлса-да, уларни яратишдан мақсад Инсон эди.)

Демак, Инсон - барча моддий гўзалликнинг яратилишига, яъни моддий оламнинг яратилишига сабаб бўлган. Нега? Инсон яратилишидан мақсад нима бўлган? Навоий айтади:

*Офаринишдан қилиб Инсон гараз,
Они айлаб халқ ичинда беаваз.
Кўнглин онинг махзани ирфон қилиб,
Ул тилсим ичра ўзин пинҳон қилиб.*

(маъноси: Аллоҳ таолонинг бу оламни яратишдан мақсади Инсон эди ва уни улар ичидаги тенгсиз қилиб яратди. Унинг қалбига бор илмларни жойлаб, тилсимлари ва бу тилсим ичидаги ўзи ҳақидаги ҳақиқатни пинҳон этди).

Бу билан Навоий, яратилганларнинг энг беназири - тенгсизи бўлган Инсонга унинг қалбига жойланган «ilm xazinasи» тилсимларини ечиш орқали унда пинҳон бўлган Ҳақни таниш вазифаси юклатилганлигини таъкидлайди. Бошқача айтганда, иңсон қалбида одамзод ўз тараққиёти давомида астасекин кашф этиб бориши, яъни тилсимларни ечиб бориши лозим бўлган жамики илмлар жойланган ва улар охир-оқибат-

¹ Алишер Навоий. Хайрат ул-аброр. МАТ, 7-жилд, Тошкент, 1991. 20-21-бетлар.

ди инсон учун кўринмас ва яширин бўлган Аллоҳга элтади. Нунинг учун Аллоҳ Таоло инсонга ҳақиқатни излаш қобилитини ато этган. Шу сабабдан одамзод ихтиёrsиз равишда тинмай изланади, тажриба қилади, моддий олам сир-синоатини билишга ошиқади. Буни Навоий инсоннинг «мақсади олий», яъни Аллоҳни таниш, уни илмий ва маънавий кашф шинни йўлидаги интилиши, деб таърифлайди. Аллоҳга бўлган интилиш, уни англаш йўлидаги изланишлар тасаввуда «иниқ» тушунчасини ифодалайди. Аллоҳ ҳақиқатини билишга интилиш қобилияти инсон ихтиёридан ташқари бўлгани учун (Навоий ишқ инсоннинг «насибидур азалдин» дейди) ҳам у «илоҳий ишқ» дейилади.

Инсон моддий оламда акс этган Ҳақ жамолининг зуҳуротидан Тангрининг нечоғли, юз бор, минг бор, миллион бор кўркамроқ эканлигини англаши ва ҳақиқий ишқдан маст бўлиб, яъни билиш воситасида ул Олий Зотга қараб интиломоги даркор.

Қадимги юонон файласуфи Афлотуннинг таълимотида шундай дейилади: бу дунёда жонсиз нарсанинг ўзи йўқ, барча инресаларга жон ато қилинган. Бироқ фақатгина инсон руҳи Илоҳий руҳ билан яқин алоқага (бирликка) эга. Шу сабабли инсон руҳи ваҳдатга қараб интилади (инсоннинг энг олий мақсади - жисмоний қолипдан қутулиб, илоҳий ваҳдатга қайтишидир). Бунинг шарти борлиқнинг илоҳий гўзаллигини оғозиша маънавиятини такомиллаштиришдан иборат. Яъни:

*Қайси тарафким анга бериб назар,
Дўст жамоли бўлубон жилвагар.
Балки бўлуб ўзлуғи ҳам бартараф
Кўзки солиб, ёр кўруб ҳар тараф.
Ким бу сифат Ишқда мағлуб эрур,
Ҳар неки андин келур, ул хўб эрур...¹.*

Муҳьиддин ибн ал-Арабий Аллоҳ ва олами шундай тушунадики, ҳис этилаётган нарсалар Денгизнинг юқори қисмида пайдо бўладиган тўлқинлар бўлиб, агар унинг моҳияти нигланса, у Ҳақдир, агар унинг асмоъ ва сифоти нуқтаи назаридан қаракалса, айтиш мумкинки, у офариниш ёки халқдир (яратилгандир). Зоро, Ҳақ ўзининг тажаллийсида турлича ва хилма-хилдир. У дунё, борлиқ, аммо моҳиятнинг ваҳдатли-

¹ Хамса, 87-бет

гига қаралса, Ҳақ халқ әмас. Навоийда бу фикр поэтик оқан-касб этади:

Барчасин Ҳақ зоти мавжи баҳри бил,
Ҳам вужудин мавж янглиг англағил.

Ҳақ инсон қалбида «ниҳон», уни англаш учун қалб «билим хазинаси» қилиб қўйилган. Азиз Насафий айтганидек, киши қалби «кичик олам» (олами суғро). Навоийнинг бир ғазалида бу қараш шундай шарҳланади:

Не тонг, гар олами кубро эсам, ҳар қатра ашким чун
Тенгиздекдур, ичинда юз туттган ҳар қайси гардундек.

Инсон, аввало, ўз қалбини ўрганиши зарур. Кичик олам орқали катта олам (олами кубро) - Ҳақни англаш мумкин. Шу жиҳатдан тасаввуфда инсон ўзини ўрганиши, вужудидаги барча яхши, ёмон хислатларни таҳқиқ қилиши ҳақидаги Таълимот унинг асосий бурчи даражасига қўтирилади:

Мунда гар яхши тахайюл айласанг,
Ёки ишқ сиррин тааммул айласанг.
Муттасиф бўлсанг сифатиллоҳ ила,
Жазм этарсен хотири огоҳ ила.
Ким сен - ўқ сен ҳарнеким мақсад эрур,
Сендин ўзга йўқ неким мавжуд эрур.
Зотининг ижмолига тафсилсен
Ҳам вужуд ишколига таъвилсен.
Ўз вужудингта тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен ўзунгдин истагил¹.

Юқорида, моддий олам Аллоҳ гўзаллигини ўзида акс эттирувчи кўзгу ва унинг яратилиш сабаби - инсон, дейилди. Бу билан Навоий нима демоқчи? Инсоннинг Аллоҳ - ҳақиқат томон интилиши, яъни қалбидаги ирфон хазинаси тилсимларини ечиб бориши, дастлаб ўз вужуди ва моддий борлиқ ҳақиқатини англаши, уни ақл, илм йўли билан ўрганишидир. Моддий ва маънавий гўзалликларни ўрганишга интилиш ва тажриба қилиш тасаввуфда «мажозий ишқ» тушунчаси билан ифодаланади. Алишер Навоий «Мажоздин мақсад ҳақиқат эканин изҳор қилмоқ ва суратдин гараз (са-

ни) миъни эканин падидор (равшан) қилмоқ» деб бир қитъани бозқиз номламаган. Унда шундай келтиради:

Мажоздин манга мақсад эрур ҳақиқий ишқ,
Нединки, аҳли ҳақиқатга бу тариқат эрур.
Мажоздин чу ҳақиқатга йўл топар ошиқ,
Қилур мажозни нафии улки, беҳақиқат эрур.

(матнпоси: Моддий гўзалликка шайдоликдан мақсад ҳақиқий ишқ - яъни Аллоҳни тасаввур этишдир. Зоро, ҳақиқатни (Аллоҳни) изловчи одам уни мажоз (моддий гўзаллик) орқали топади. Кимки буни инкор қиласа, демак, у ҳақиқатни билмайди.)

Мажозий ишқнинг бир кўриниши инсоннинг инсонга муҳаббатидир. Инсон биомавжудот сифатида табиятнинг ажралмас бўлаги ҳисобланади. Инсоннинг гўзалликка шайдолиги ўзим ишқдир, илм йўлидаги фидоийлиги унинг муайян (илмий, диний, фалсафий ва ҳ.к.) соҳага муҳаббатини англатади. Ватанг муҳаббат ҳам мажозий ишқдир. «Ватанин севмоқ - иймондандир» деб бежиз айтилмаган. Зотан, мажозий ишқ замирада Аллоҳ сифатлари ётади. Уларни англаш, тажриба қилиш эса Аллоҳни кашф этишга яқинлаштиради. Навоий ишққа шундай таъриф беради:

Эй ишқ, гариб кимиё сен,
Бал ойинаи жаҳоннамо сен.
Инсонники ҳалқ қилди Халлоқ,
Йўқ тийнат анга ба гайри туфроқ.
Сен ким анга ошнолик эттинг,
Туфроққа кимиёлик эттинг.
Олтин қилдинг узорин онинг,
Балким тани хоксорин онинг.
Бу навъ ила доги қилмадинг бас,
Ҳажр ўтиға солдинг ўйлаким хас.
Ҳам олтин ўлуб бу пайкари хок,
Ҳам ўлди бу навъ холису пок.
Ким қилди сенга назарни равшан,
Кўрди еру кўкдагин муайян.
Чун боққали ихтиёр топти,
Ҳар сорики боқти, ёр топти.¹

¹ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий матн. Тошкент, 1965, 189-бет.

¹ Алишер Навоий. Хамса: Лайли ва Мажнун. Тошкент, 1992. 293-295-бетлар.

(маъноси: Эй, ишқ, гаройиб кимёгарсан. Сен оламни кўрсатувчи кўзгудирсан. Сен инсоннинг тупроқ танини олтинга айлантиридинг, уни ҳажр ўтида тоблаб, нуқсонлардан тозаладинг. Кимки сенга диққат қилган бўлса, унга еру кўкдагини аниқ кўрсатдинг. Кимки бу кўзгуга қарашини ихтиёр этган бўлса, қаерга қарамасин, у ерда Ёрни - Аллоҳни топди.)

Алишер Навоийнинг ижоди тўла-тўқисинча инсоннинг ҳар томонлама баркамол бўлиш foяси тарғиботига қаратилган. Шу жиҳатдан ишқнинг турли маъно товланишларига дуч келамиз. Навоий ишқ инсонни фаолликка чақиравчи, моддий ва маънавий ҳаётнинг барча кўринишларида етакчи ҳаётбахш куч эканлигига эътиборни қаратади. Бир томондан, ҳар бир нарсада Аллоҳ қудрати ва мўъжизасини сезиш, Унинг санъаткорлиги даражасидан ҳайратланиш инсоннинг ақлий салоҳиятини табиат қонуниятларини чуқурроқ ўрганишга йўналтиrsa (юқоридаги парчада келтирилган ишқнинг «ойинаи жаҳоннамо»лик хусусияти), иккинчи томондан, ишқ ўзининг «кимёгар»лик хусусияти билан инсонни маънавий камолотга халал берадиган худбин қараашлардан, ижтимоий иллатлардан қутулишга, юксак фазилатларни касб этишга унрайди. Мутафаккир асарларида адлу инсоф, сабр-қаноат, қарам-саҳоват, меҳр-мурувват қанчалик улуғланса, кибр-ҳаво, таъма ва манманлик билан боғлиқ қатор иллатлар қаттиқ қораланди. Унингча, инсон фақат билим ва юксак фазилатлар, ахлоқий етуклик касб этиш билангина маънавий камолотга эришиши мумкин. Шоир айтади:

*Камол эт қасбким, олам уйидин
Санга фарз ўлмагай гамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ,
Эзур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.*

(маъноси: Камолотга эришишга ҳаракат қилгинки, сенга бу дунёдан ғамгин (нодон ва ахлоқан нопок) ўтиш мумкин эмас. Такомиллашмасдан (оқил ва фозил, доно бўлмасдан) ўтмоқ, худди ҳаммомга кириб, ювимасдан чиқмоқ кабидир.)

Нафсоний лаззатларга берилиш, ҳаёт мазмунини фақат шахсий манфаатларни қондиришдан иборат деб билиш ва шу йўлда ҳаракат қилиш, инсонни Ишқдан, яъни ҳақиқатдан йироқлаштиради. Аксинча, илм ўрганиш камолот сари интилишнинг асосий воситасидир. Илм инсон ва олам муносабати, ҳаёт моҳияти ва олий умуминсоний қадриялар ҳақида мулоҳаза юритишга, тажрибада синааб кўриш орқали ҳақиқат сирларини очишга ёрдам беради. Натижада инсон

шіхсій нафсоний қарашлар исканжасидан құтулиб, Аллоҳ Тіоло уни нега «халқ ичинде беаваз» (яратылғанлар ичиде біназир) қилиб құйғанини ва унинг зиммасига моддий олам учун миссуллик, табиат ва жамиятни тараққий эттириш вазифаси юқлатылғанлыгини англай боради. Ушбу мастьуллик ва вазиғи инсонни ер юзида кечәёттән барча иқтисодий-ижтимоий, шебесій жараёнлар, инсоният тақдирига хавф түгдірувчи омилдерге лоқайд бўлмаслик, дунёда Эзгулик ҳукмронлик қилишига эришув учун курашишга чорлайди. Шу үринда Навоийнинг диний бағрикенглик ҳақидаги қарашлари, айниқса, динқаттаға сазовордир. Масалан, «Хайрат ул-аббор» достонида «Кўнгилнинг уч ҳайрати» тавсифига бағишинган бўлимлар бор. Улар, моҳияттан, ҳақиқат ҳақидаги фалсафий-тасаввуфий қирапшларнинг ниҳоятда қисқартирилган кўриниши деса ҳам бўлади. Кўнгил - руҳнинг иккинчи ҳайрати динлар ҳақиқатини англаши билан боғлиқ. Кўнгил коинотни сайр қилиб, энг юқори оламга етиб боради:

Чун боридин юққори урди алам,
Юққориги пояга қўйди қадам.
Кўрди ўшал хиттаи бутхонае.
Ҳар бутининг ҳайъати дурданае.
Анда не раҳбон эди, не барҳаман,
Лек бори бутлар эди сиймтан.
Ҳар бути бутгарга парастишда маст,
Ўйлаки бут саждасида бутпараст.
Мунча гаройибғаки қилди гузар,
Айлади ибрат кўзи бирла назар.
Барчасида зикру сужуд англади,
Маърифатуллоҳга шуҳуд англади.
Юзланиб ўз ҳолида гайрат анга,
Бирга минг ўлди яна ҳайрат анга¹.

(Маъноси: энг юқорига қадам қўйғандан бутхонага кўзи тушди. У ерда на роҳиб ва на бараҳман бор эди. Фақат кумуш тишли бутлар бўлиб, улар худди бутпарастлар бутга сажда қилинди, ўзларини ясаган Бутгарга парвона эди. Бу гаройиботларга дуч келган кўнгил уларга ибрат кўзи билан қаради. Барчеси (Бутгарга) сажда ва зикр билан бандлигини кўрди-ю, Аллоҳ ҳақиқатини англади. Бу ҳолдан бир ҳайрати минг бўлди.)

¹ Алишер Навоий. Ўша асар, 88-бет.

Навоий фикрича, динлар турли хил бўлишига қарамай, уларнинг ҳақиқати асосида ягона Парвардигор туради. Ҳатто бутпарастлик ҳам Аллоҳ таолонинг тажаллиётларидан бирига сигинишдир, демакким, барча динлар аслида биргина Аллоҳ таолога сажда қиладилар. Худди шунга ўхшаш фикр «Лисон ут-тайр» асарида ҳам учрайди:

*Қолмаса олам матоидин жиҳот,
Ўзга навъ ўлғай санга ул дам сифот.
Куфр ила имонга ургайсан илик,
Бу тамаъдин очилғай бир эшик.
Чун эшик очилди не куфру не дин,
Ичкари киргач, қутулдинг барчадин.
Куфру имон роҳравга кеш эмас,
Асл йўлда бандироҳе, беш эмас¹.*

(маъноси: (Инсон феъл-атвори ва амалида) Олам матосидан (моддий нарсаларга муҳаббатдан) ҳеч нарса қолмагач, куфр ва имон моҳияти ҳақида тафаккур қила бошлайсан. Бу ҳараратдан бир эшик (ҳақиқат) очилади. Унга киргач (уни англагач), барча (мавжуд диний ва эътиқодий фарқлар, келишмовчиликлар) ноаниқликлардан қутулласан. Куфр ва имон тушунчалари Аллоҳ ҳақиқатини билиш, яъни бу дунёning асл моҳиятини англаш йўлида тўсиқдан бошқа нарса эмас.)

Шоир юқоридаги сатрларда бу дунё Эзгулик учун яратилгани, Парвардигор наздида турли диний таълимотлар аҳамиятсиз бўлиб, инсоннинг нафс иллатларидан қутулиб, маънан юксак фазилатлар касб этиши ва турли илмларни тараққий эттириш орқали, ақлан оламнинг яратилиш моҳиятини тушуниб этиши муҳимроқ, деган гояни илгари сургани кўриниб турибди.

Маълумки, тасаввуфда Ҳаққа этишиш йўлида Солик «шариат», «тариқат» ва «ҳақиқат» манзилларидан ўтиши керак. Бунда у Аллоҳни билишнинг қуйидаги ҳолатларини бошидан кечиради: аввал оламни билиш мушкуллигидан қўрқиб саросимага тушиш, ҳайронликда қолиш, кейин ташқи дунё нарса-ҳодисаларини мушоҳада эта бошлаш, зоҳирий мушоҳададан аста-секин моҳиятни идрок қилишга ўтиш. Моҳиятнинг улуғворлигини ҳис этиб, уни кашф қилиш билан руҳий-тафаккурий қониқиш туйиш. Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонида кўнгил таърифига берилган «Уч ҳайрат» и

¹ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. МАТ, 12- жилд, 215-бет.

Тисепвуфдаги билиш назариясининг багоят гўзал тасвирланган ифодасидир.

Билиш уч поғонада ўтади: 1. Илм ул-яқин (Ўқиши, ўрганиш, мантиқий хулоса чиқаришдаги назарий билимлар, мағлини, олов куйдиришини билиш каби). 2. Айн ул-яқин (Кунитиш оқибатида қатъий хулосага келиш. Масалан, олов иуїдирганидан сўнг рўй берадиган ҳолатни мушоҳада қилиш). И. Ҳақ ул-яқин (Идрок қилиш, ўзида ҳис қилиш. Масалан, плонда ўзи куйиб, куйиш не эканлигини англаш каби). Инсон ўзлигини, моҳиятини билиб борар экан, руҳини ёмон инсурлардан тозалай боради, ахлоқан покланади. Бу унинг тикомиллашишига, Ҳақ моҳиятига яқинлашишига олиб бориди. Бироқ бу йўл жуда машаққатли бўлиб, ошиқ кўп риёлантлар чекиши муқаррар;

*Лек Семурғ истаган ул жамъи тайр,
Ким сулук ичра риёзат бирла сайр,
Айлабон чун ўзни қобил қилдилар,
Ул талабдин васл ҳосил қилдилар.
Сенда ўқ билқувва ул мавжуд эрур,
Феълға келса даво мақсад әрур¹.*

Семурғ (Ҳақ)ни излаб чиққан қушлар, - дейди Навоий, - кўни риёзатлар чекдилар ва васлга эришдилар. Сенда ҳам шу қувват мавжуд, фақат яхши ишлар мақсадга етказади. Бу масалада Боязид Бистомийнинг ажойиб таъбири бор. У инсоннинг ҳар иккала қўли ўнг бўлиши керак, дейди. Ўнг қўйли фириштаси яхши ниятларни, чап қўйли фариштаси инсон йўл қўйган ёмон ишларни ёзиз бораркан. Агар ҳар икки қўйли хайрли ишлар билан банд бўлса, бу инсон Аллоҳнинг сахий қулидир. Шунда Навоий айтганидек:

*Бордур инсон зотида онча шараф,
Ким ямон ахлоқин этса бартараф,
Бўймаса фиръавнлигнинг пайрави
Қолмас ондин жуз сифоти мусавий.*

Азиз Насафий «Зубдат ул-ҳақоиқ» асарида инсон йўли қиқида шундай дейди: «Сулук - араб тилида юришни билдириди. Демак, солик ташқи оламда, шунингдек, ички оламда деса ҳам бўлади, сайр қилувчи кишидир. Сулук - Худога

¹ Лисон ут-тайр, 189-бет.

қараб йўл олиш. Агар сўзларимни тушунмаган бўлсанг, бошқача тушунираман. Билки, тасаввуфда сулук ёлгон сўзлардан яхши сўзларга, ёмон ишлардан яхши ишларга, бефойда хислатлардан яхши хулқقا ва ўз вужудидан Олий Зот (Аллоҳ)нинг вужудига юришдир. Шу фазилатларга эга бўлгач, маърифат нурлари унга пешвоз чиқадилар ва у (солик) оламдаги нарсаларнинг асл қиёфасини кўради, яъни у Ҳақ вужудида қайта туғилади.

Инсондаги ёмон хислатларни санаб, унинг сонини кўрсатиш мушкул: у шундай йўлга кириб қолганки, тўғрироғи, маърифатсизлик оқибатида ўзининг қайси иши тўғрилигини ҳам яхши билмайди.

Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” достонида қуйидаги эпизодни келтиради. Унда бир қуш: «Иблиси лайн макр-ҳийла билан мени ярамас ишларга ундайди, кўнглимга ҳар хил вас-vasалар солади. Ундан қутулишга ҳеч бир ақлим етмайди» деб ҳудҳуддан маслаҳат сўрайди. Ҳудҳуд айтадики, «инсоннинг ёмон йўлдан юришига шайтон эмас, нафс сабабчидир. Чунки нафс шундай бир балоки, унинг олдидা ҳатто юзта шайтон ҳам ип эшолмайди:

*Нафсинг онча кўргузур талбисни
Ким, қилур шарманда юз иблисни.
Сенки ёр ўлдунг бу янглиғ нафс ила,
Не учун шайтондин эткайсен гила?*¹

Демак, нафс - инсондаги энг ёмон иллат. Нафсдан фориг бўлмаган киши ишқни бу гуноҳ чиркидан поклаши зарур. Нафснинг даҳшатли бало эканлиги шундаки, агар қаноат кўп яхши хислатларнинг ибтидоси бўлса, у ёмонликларнинг ибтидосидир. Масалан, нафси бузуқ одам мол-дунёни яхши кўради. Оқибатда вужудини мағрурлик эгаллайди. Мағрурлик манманликни, манманлик худбинликни келтириб чиқаради ва ҳоказо.

Шунингдек, нафс таъманинг ҳам онасидир. Нафси зиёда инсоннинг кўзи ўзгалар чўнтағида, баҳтида, фаровонлигига. Навоий буни қоралар экан, ёзади:

*Кўп олтин, кумуш сари қўл сўнмогил,
Ки тутсанғ кафtingни қора занг этар.*

¹ Ўша асар, 122-бет.

*Кўнгилда доги майлини асрала,
Ки қўнглунгни доги ҳамул ранг этар¹.*

Алишер Навоий ижоди бутунлай инсонни покланиш Шўлига олиб чиқишига қаратилган. Унинг ҳар бир газали, блити, мисраларида адлу инсоф, сабр-қаноат, карам-саҳоват, ҳиммат-жувонмардлик улугланиб, нафс, тамаъ, кибр-ҳаво, димогдорлик ва манманлик қаттиқ қораланади:

*Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёву адаб...
То бу васила била топиб қабул,
Мақсади аслий сори бўлгай нузул².*

Буюк шоирнинг ибратли ҳаёти ва ижодидаги юксак гуманизм гояларининг асрлар оша бизнинг давримизгача тиллардан тилларга, диллардан дилларга кўчиб, ўз машҳурлигини йўқотмай келаётганлиги, бир сўз билан айтганда, Алишер Навоий буюклигининг сири ҳам мана шунда! Жумладан, инсоннинг ўз меҳнати билан ҳалол кун кўриши, ўзгаларга қарамалик ва мутеликдан келиб чиқадиган турли салбий, ижтимоий кўринишлардан сақланишини шоир шундай тушунади:

*Синук сафолким, май дурдин ичкали, топсанг,
Қабул айлагил жоми салтанат Жамдин.
Иликка кирса қуруқ нон, маош учуп чекма,
Нашот неъматининг миннатини Ҳотамдин.*

Инсоннинг ҳаётда пок умр кечириши учун гаров мана шу ҳалоллиқдир. Унинг қўли ҳамиша устун, демакким, Навоий ҳадиси шариф воситасида айтганидек, бундай кишилар саҳоват соҳиблари ҳамдир:

*Кишики, илгини устун тилар, сахо қилдик,
Қўлида заҳри ҳалоҳилу гар Хизр суйидир.
Ки, бергучи агар ўлсун гадою олгучи шоҳ,
Берур илик юқорию олур илик қуидир.*

Сахийлар қайси тоифа ва табақадан бўлмасин, улар асл инсонлар бўлиб, ҳамиша эл ғамида, юрт дардига шерикдир-

¹ Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб: МАТ, 4-жилд. Тошкент, 1989, 507-бет.

² Хамса, 71-72-бетлар.

лар. Шу сабабли уларни эл-юрт ҳурмат қиласи, иззатини жой-ига қўйиб, бир умр яхшилик билан эслайди, шоир ёзганидек, икки дунё баҳти уларга ёр:

*Кирмагай жаннат ичра ҳеч баҳил,
Гарчи ул бўлса саййиди қурайший.
Бормагай дўзах ичра сахий,
Филмасал бўлса бандай ҳабаший.*

Ёки яна бир қитъасида:

*Бийик мақомига улким тилар, сабот керак
Ки эгриликни қўюб, тузлук айласа қонун.
Туз ўлса соясида эл тиниб манор киби
Сипеҳр уйида турап қарнлар, нечукки сутун.
Гар эгридуру ёғубон ўқу боғланиб бўйни,
Бўлур қабақ йиғочидек беш-ўнча кунда нигун¹.*

Ҳа, эгриликни билмаган одам ҳеч қачон ёлгон гапирмайди. Ёлгон эса инсонни турли мудҳиш хатоликларга дучор қилиши, оқибатда турли жиноятлар содир бўлиши ва инсоннинг маънавий инқизози, тубанлашувига олиб келиши муқарардир. Оқил инсоннинг вазифаси донишмандларнинг ўгитларига қулоқ осиб, уларнинг панд-насиҳатларидан керакли хулоса чиқарган ҳолда ўзидаги ёмон иллатлардан иложи борича тезроқ қутулмоқдир, акс ҳолда йиллар қуюн мисол ўтиб кетиши, умр интиҳосида эса иллатлар гирдобидан чиқиш амри маҳол бўлади:

*Биравким хирадманднинг нуктасин,
Қулоғига осмас, не нуқсон мунга.
Жавоҳирни термак анга саъб эса,
Эрур сочмамаглиғ худ осон мунга².*

Инсонлараро муносабатларда шундай нарсалар борки, Навоий фикрича, уларнинг қасофати жамият ривожига, инсоний қадр, эзгулик ва меҳр-шафқат жамият маънавий ҳаётининг асосини ташкил этишига жиддий тўсқинлик қилиб келади. Навоий бу иллатлардан сақланишга чақирап экан, бундай ёзади:

¹ Алишер Навоий. Фаройиб ус-сигар: МАТ, 3-жилд, Тошкент, 1988. 548-бет.

² Бадоев ул-васат: МАТ, 5-жилд, Тошкент, 1990, 493-бет.

*Уч кишидин уч иш ёмон кўринур,
Санга арз айлай аҳли дунёдин:
Шоҳдин тўндулғ, ганидин бўхл,
Молға майлу ҳирс донодин¹.*

Инсон такомиллашувига катта заарар етказадиган ушбу иллатлар Геродот айтгандек, «қадимдан инсонга хос бўлиб, ҳимиша қўрқув, хавотир, жаҳл, бағритошлиқ, ёвузлик, душманик каби унсурлар билан уйғуналашиб келади». Шоҳнинг тўндилиги натижасида юзлаб бегуноҳ одамларнинг ёстиғи қуриши мумкин бўлганидек, бой кишининг баҳиллиги шафқатлизикдан дарак беради. Дононинг мол-мулкка ружу қўйиши, ҳирс қурбонига айланиши, айниқса, жамият учун ҳалокатли бир ҳолдир. Дононинг тубанлашуви инсониятнинг тубанлашувидир. Юнон афсонасига кўра, нафис санъатлар кашфиётчиси бўлган машҳур уста Дедал ўзига Талос исмли жуда қобилиятили йигитни шогирдликка танлаган экан. Кунлардан бир кун Талос илоннинг жағини топиб олибди-да, у билан дарахтии ниҳоят нозик қилиб арралабди. Буни Дедал кўргач, кўнглида ҳасад уйғонибди ва санъатда ўзидан ўтиб, унинг обрўсига соя туширмаслиги учун уни қалъадан итқитиб юборибди. Халқ тез орада воқеадан воқиф бўлгач, Дедални жазоғи маҳкум этган экан.

Мұхаммад Абу Газзолий “Иҳё улум ад-дин” асарида шундай ривоятни келтиради: «Муса алайҳиссалом Аллоҳ таоло қузурига бораётган чоғида Арши аъло соясида бир кишини қўриб, унинг мартабасига ниҳоятда ҳаваси келди ва ўз-ўзига, “шубҳасиз, бу улуг зот Тангри таолонинг севган, ардоқли бандасидир» деди. Кейин Аллоҳ таолодан у кишининг исмини билдиришни сўраган эди, Парвардигор ўз пайғамбарининг символига жавоб бермай, бундай деди: «Сенга унинг амалларидан учтасини айтаман. Биринчидан, у Аллоҳ ўз фазлу карами билан бошқа бандаларига берган неъматларга ҳасад қилмасди. Иккинчидан, оқпадар эмас эди. Учинчидан, гийбат ва чақимчилик қилмаган эди».

Алишер Навоий ижодида ота-онага ҳурмат, тилга эътибор, чақимчилик, фисқу фужурлардан сақланиш масаласи марказий ўринларда туради, десак хато қилмаган бўламиз. Ўюқ гуманист шоир ҳар бир асарида ушбу масалаларга ургу бермасдан ўтмайди. Инсон гўзаллиги, кўрку камолоти юқоридаги нуқталарга қай даражада ёндашиши билан боғлиқ деб ҳисоблади.

¹ Ўша асар, 490-бет.

*Қулоқда асра гаронмоя сўзнию фикр эт,
Ки, дурсиз ўлса не бўлгусидур садаф ҳоли.
Сўзунгни доғи кўнгил ичра асрагилким, ҳайф
Ким, ўйла дуржни гуҳардин эткасен холи.
Бу дуржу икки садафни тўла дур этканга
Зиҳи улувви гуҳар балки гавҳари олий.*

Ёки бошқа бир қитъасида:

*Навоий, тилинг асрагил зинҳор
Десангким, емай даҳр ишидин фусус,
Назар қилки, ўқ оғзи тилсиз учун
Қилур тожварлар била дастбӯс.
Неча тожвардур, кесарлар бошин,
Чу ҳангомсиз нағма тортар хурус.*

Тасаввуф таълимоти ҳар бир нарсанинг қарама-қарши, тескари томони мавжудлигини, ҳаётнинг курашдан иборат эканлигини, ҳар бир нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси бор бўлиб, оламнинг боқий эмаслигини тушунтиради. Масалан, ботиний (кўринмас) олам ва зоҳирий (кўринувчи) олам, ҳаёт - ўлим, билим - нодонлик, ирома - иродасизлик, қувват - заифлик, эшитиш - карлик, кўриш - кўрлик, тил - гунглик ва ҳоказо...

Навоий ижодиётида ҳам барча ундан олдинги мутасаввуф-мутафаккир шоирлар ижодида бўлгани сингари нафс ва таъмага қаноат, ҳиммат, саховат, худбинликка ва ҳасадгўйликка қарши жувонмардлик каби улуг фазилатлар қарама-қарши қўйиб келинади. Навоий ёзди:

*Ҳар кимки, қаноат тарафи нисбати бор,
Барча эл аро тавозуъу иззати бор,
Улким, тамаъу ҳирс била улфати бор,
Яхши-ёмон ичра зиллату накбати бор.*

Қаноат қанча роҳат ва фарогат бўлса, унинг акси бўлган таъмада шунча разиллик ва уқубат бор, дейди Навоий.

Инсон бу ижтимоий иллатлардан устун турмоги, Навоий айтганча «ўзни мақсад манзилига» бошламоги даркор:

*Молу мулк, ҳар недур соликка банд,
Тўрт такбири фано урмоқ баланд,*

*Хар неким гайри талабдур, ташламоқ,
Үзни мақсад манзилига бошламоқ.*

Солик агар ҳаётда қаноатли бўлса, унинг яшаш учун зарур бўлган талаблардан ўзга нарсаларга эҳтиёжи қолмайди. Ўу эса инсон онгини заҳарлаб турган кўпгина иллатлардан фориг бўлиши ва комил инсон даражасига етишининг гаровидир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Алишер Навоийнинг ижтимоий-ахлоқий қарапшарида эзгулик ва бағрикенглик, одамийлик биринчи ўринда туради.

Буюк мутафаккир ўз асарларида жамиятни такомиллашибириш, инсонларни қайта тарбиялаш масалаларини фалсафий-дидактик ва тасаввуфий-ирфоний ёндашув орқали ечишга ҳаракат қиласди.

Тасаввуф ўзининг поэтик, бадиий шаклига кўра фалсафий-бадиий дунёқараш ва мафкура жиҳатидан ижтимоий ҳаёт ва инсон ижтимоий идеалларининг тасвиридир. Маълумки, бир фикрни бирор қобиққа ўраб етказиш уни тўғридан-тўғри айтишдан кўра таъсирироқ ва самарали натижа бериши мумкин. Шу жиҳатдан тасаввуф - Ҳақ ва инсон ўртасидаги муҳаббат назарияси ўрта асрлар шоирлари, шу жумладан, Алишер Навоий учун жамиятни поклашда, инсонларни тўғри йўлга йўллашда, адлу инсоф, меҳр-мурувват, раҳм-шафқат, тинчлик ва бағрикенглик тамойиллари ҳамиша жамиятнинг етакчи кучи бўлиб қолиши йўлида кўрсатаётган фаол курашида қўл келган. Тасаввуфдаги ҳаётни севиш, табиатни илоҳий мазҳип сифатида тан олиб, унинг барча неъматларидан кўнгли тусаганча баҳраманд бўлиш ва шу билан бирга, курраи заминнинг ободончилиги, ҳалқларнинг осуда ва тинч ҳаёт кечириши, тубан ахлоқнинг тарқалишига йўл қўймаслик учун масъулият ҳисси Алишер Навоийга «комил инсон» концепциясини куйлашда айни муддао бўлди.

Ш БЎЛИМ
XIX аср охири ва XX аср
маърифатпарварлари ҳамда жадидлар ижодида
тинчлик ва бағрикенглик
фалсафа маданияти

Ф.Х. Ўсарова, катта ўқитувчи

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрнинг бошларида Туркистон заминида мустамлакачилик ва улуғ миллатчиликка асосланган сиёсий-маъмурӣ тизим барпо этилди. Рус ҳукумати ўзбек ва бошقا туб аҳолига сиёсий ва инсоний ҳуқуқ беришни хаёлига ҳам келтирмади. Рус матбуотида ва илмий асрларида Туркистон ўлкаси очиқдан-очиқ «Россия мустамлакаси» номи билан изоҳланди. Мустақилликнинг йўқотилиши, сиёсий ҳақсизлик ва адолатсизлик бутун жамият аҳлини чор ҳукуматига қарши қудратли муҳолифатга айлантириди. Айнан шундай шароит жадидларнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий қарашларини белгилади. Улар орасида маҳаллий юқори табақаларнинг илгор вакиллари ҳам бўлиб, озодлик гоялари борган сари куч-қувватга тўлиб борди. Бу гоялар жадидлар сиёсий фаолиятининг асосини ташкил этди. Шунинг учун ҳам жадидлар мазлум халқни озодлик курашига даъват этдилар.

Бу курашда эса, аввало, маърифатпарварлик гоялари салмоқли ўринни эгаллади. Бунда жадидлар асосий эътиборни халқнинг саводини чиқаришга, билимини оширишга, миллий ҳис-туйғуларини ва сиёсий онгини ўстириш учун курашга қаратдилар. Чунки рус давлатининг ярим асрдан ортиқ ҳуқмронлиги даврида ҳукумат томонидан маҳаллий аҳоли учун бирорта замонавий миллий мактаб, ўрта ва олий ўқув юрти очилмади. Босқинчилар ўзбек халқини жаҳон тараққиётидан четда қолдириб, фан ва маданиятнинг ўсишига катта тўсқинлик қилди. Натижада, ўзбек ва бошقا туб аҳоли вакиллари қоронгулиқда ва қолоқлиқда, умуман, маънавий қашшоқлиқда ҳаёт кечирди.

Дарҳақиқат, жаҳолат ҳеч қачон маънавият ва илм-фанни тан олмайди. Жаҳолатнинг бошида турган илмсиз кимсанинг тубан дунёқарашига хос биқиқ «қоидалар» вужудга келади ва бошқаларни унга бўйсунишга мажбурлай бошлайди. Илм-фансиз боболар меросини ўрганиб, ривожлантириш у ёқда турсин, ҳатто асраб бўлмайди. Шу боис Амир Темур давлатчилиги, Форобийнинг фозиллар жамияти, Ибн Сино тиббиёти, Хоразмийнинг аниқ фанлари, Берунийнинг қомусий

илми, Улугбек коиноти - ҳамма-ҳаммаси жаҳолат пардаси ортида қолди, унтилди. Боболарнинг гоялари, орзулари орзалигича қолиб кетди.

Боболар қонидаги шундай ғоя ва орзулар жадидлар ижодидан жой олди. Туркистон жадидларининг етакчиси, муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий таъкидлаганидек, «Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебиҳра миллат бошқаларга поймол бўлур». Таъкидланаётган «дунёвий фан ва илм» бу бир давлатнинг қудратини, маданийтини, маънавиятини ривожланган мамлакатлар қаторида сақлаб турувчи омилdir. Бундай илм-фанинг ривожи эса таълим тизимининг пухталиги, фанинг ривожланиши учун яратиладиган шароитдадир. Шу боис Тошкентда Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Бухорода Фитрат, Қўқонда Ашурали Зоҳирий, Самарқандда Абдуқодир Шакурий каби қатор жадидлар бу фикрга қўшилган ҳолда таълим ислоҳига киришдилар.

Албатта, маърифатпарвар жадид намояндадарининг исми шарифларини, қилган ишларини чексиз келтириш мумкин, лекин ушбу қисмда айнан бугунги кунга келиб орзулари ушалган, гоялари амалга ошган маърифатпарвар жадидлар ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Аҳмад Дониш (1827-1897)

Аҳмад Дониш ёки Аҳмад Калла деб ном қозонган Аҳмад ибн Мир Носир Юсуф ал-Ханафи ас-Сиддиқий ал-Бухорий Бухоро амирлигига XIX асрнинг ўрталарида яшаб ижод қилган, илгор фикрлари билан ном қозонган шоир, мутафаккир, маърифатпарвардир. У 1827 йили Бухоро шаҳрида туғилган ва 1897 йили шу ерда вафот этган. Аҳмад Донишнинг отаси ўғлига яхши тарбия ва қунт билан берган. Унинг отаси деҳқонлар орасидан чиққан бўлиб, Сугут қишлоғидан Бухоро шаҳрига ўқишига келган ва ўқишини тамомлагач, Бухородаги мачитлардан бирида муллалик қилган.

Бошлангич билимларни Аҳмад Дониш бу ердаги мактаб ва мадрасаларда олиб, тарих, адабиёт, астрономия, геометрия, тиббиёт, хаттотлик, мусиқий санъат соҳаларини мустақил ўрганган ва ўз даврининг илгор олими ва мутафаккири даражасига кўтарилган. Аҳмад Дониш 1828-1860 йиллар¹

¹ Юнусов А. Аҳмад Дониш, Сталинобод-1960 йил, 18-бет.

давомида амир Насруллоҳ саройида бош хаттот ва рассом сиғатида ишлаган, лекин баъзи бир сабабларга кўра сарой хизматидан кетган.

Алоҳида таъкидлаш керакки, Бухоронинг бу даврдаги тарихи ҳақида сўз юритган тарихчилар, энг аввало, табиий вианиқ фанлардаги чуқур билими учун муҳандис деб аталгаи, улуғ маърифатчи олим ва шоир Аҳмад Дониш асарларига суянишиди.

Шунинг учун ҳам Бухоро амирлари унинг чуқур билимларини ҳисобга олиб, Россияга юборилаётган элчилар сафида 3 марта сафарга юборади. Аҳмад Дониш 1857, 1869 ва 1874 йилларда Петербургда бўлиб, Оврупа маданияти, илм-фан соҳасидаги ютуқлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади. Бу сафар ундаги ҳукмрон доираларга нисбатан бўлган танқидий муносабатни янада чуқурлаширади. Ўз таассуротлари таъсирида Бухорода мавжуд тартибларни ислоҳ қилиш лойиҳасини олға суради. Бу эса амир Музаффариiddin (1860-1885) норозилигига сабабчи бўлади ва у Аҳмад Донишни Хузратга қози, этиб жўнатади. Бу вазифада ишлаш эса унинг Бухоро ижтимоий тузилишида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар зарурлиги ҳақидаги позициясини янада қатъийлаширади. Аҳмад Дониш амир ўлимидан сўнггина Бухорога қайтади ва 1897 йили вафот этади.

У «Наводир ул-вақое» («Нодир воқеалар») асарида мавжуд тузумга ўз муносабатини билдиради ва Бухоро амирлигига давлат бошқаруви ислоҳотини таклиф қиласди. Ушбу китоб 23 бобдан иборат бўлиб, Аҳмад Донишнинг асосий ва йирик асари ҳисобланади. Мутафаккир ўзининг бу шоҳ асарини бутун умри давомида ёзади ва ўзининг турли масалаларга муносабатини ифодалайди. Асарнинг «Мамлакатни бошқариш ва ҳалқни маърифатли қилиш» ҳақидаги рисоласининг учинчи фаслида ҳукмдорларнинг юрти, элни идора қилиш усуслари, ҳалқпарвар, бағрикенг, адолатли бўлишлари ҳақида гап боради. Бунда у: **«Бир мамлакатда тинчлик ва мўлчилик бўлиб, бунинг овозаси атрофга тарқалса, буни эшитган савдогарлар, ҳунармандлар ва олимлар ҳар томондан кела бошлайдилар. Бундай шаҳарга атрофдан келувчилар кўпайиб, улар ҳар хил мол олиб келадилар. Бу билан мамлакат обод бўлиб, хазина бойлиги ортади».**¹ Ушбу фикрлари билан аллома давлатда тинчлик-тотувлик бўлсагина, ривожланиш, юксалиш, фаровон ҳаёт бўлишини исботламоқчи бўлади. Бу

жон биринчи галда мавжуд тартибларнинг ярамаслиги, уларни ўзгартирип зарурлигини кўрсатади. Бу ишларни амалга оширишда ҳукмдорларнинг ҳалққа нисбатан адолатли, бағрикенг, одил бўлишини истайди ва орзу қиласди. Бу борада: **«Подшоҳ сибабсиз ҳеч кимнинг дилига озор берувчи бўлмасин. Чунки уни ҳалқ ўз тинчлиги ва эркин яшashi учун бу улуғ даражага кўтарган. Подшоҳ уларга озор берар экан, иш тескарисига айлиниади».** Албатта бу ҳолда давлатда тинчлик-тотувлик бўлмайди, тинчлик бўлмаган жойда эса ҳалқ фаровон ҳаёт кечира олмайди. Ёки **«Подшоҳлар етимларнинг оталариидир. Шундай бўлгач, подшоҳлар етимларга ўз оталаридан ҳам кўпроқ ғамхўрлик қилишлари лозимдир; токи подшоҳ ота билан фақир отанинг фарқи бўлсин. Етимлар балоғатта етгунча подшоҳ улардан инъом қўлинни узмасин. Имконият борича эҳсон эшигини очиб тутсин»**¹ деган фикрлари ҳукмдорларни, амалдорларни меҳр-оқибатли, эзгу ниятли, ҳалол-пок, меҳрибон бўлишга чорлайди. Аҳмад Дониш ҳукмдорларга: **«Агар подшоҳ ахлоқсиз ва адолатсиз бўлса, у ҳолда унинг амр ва фармонлари ҳамда ҳар хил насиҳат сўзлари ҳалққа таъсир қилмайди. Агар қимчи солиб, аскар кучини қўлланиб қўрқитиш билан сўзини юрита олса ҳам, ҳақиқатда эса ундан подшоҳ бузук одамларига ўзи ёрдам қилган бўлади»**² деб мурожаат қиласди ва уқтиради.

Аҳмад Дониш кишиларни файратли бўдишга, ўз хусусий ишларига ўралиб қолмай, қайси йўл билан ҳам ўзгалар учун, ҳалқ учун фойда келтиришга даъват этади. **«Бўлажак ишларнинг албатта амалга ошиши ҳақида»**ги ҳикоясида: **«Хорун ар-Рашид ҳалифа сафар йўлида кетаётганида кўчат экиб юрган кишига учраган. Ундан бу нима кўчат деб сўраганда, ёнгоқ кўчати деган. Бу қачон ҳосил беради деб сўраганда 20 йиллар ичida ҳосилга киради дегач, сен ўзинг қарилкдан алжиб қолибсан, шунча меҳнат қилиб экканинг билан фойдасини кўролмасанг, сенга ундан нима фойда деб савол берган. Шунда чол, экиб кетгандарнинг мевасини биз едик, энди биз ҳам экиб кетайлик, ўзимиз еёлмасак бошқалар есин, деган».**³ Бу мисол билан аллома одамларни нафақат ўзи, балки ўзгалар дарди, ҳаёти, ташвишлари билан ҳамоҳанг яшашга чақирган. Инсонлар ўртасида меҳр-оқибат, дўстлик бўлсагина тинчлик-тотувликка эришиш мумкин. Тинчлик ҳукм сурган давлат фуқаролари эса албатта фаровон ҳаёт кечиради.

¹ Ўша асар, 65-бет.

² Ўша асар, 38-бет.

³ Ўша асар, 124-бет.

¹ Аҳмад Дониш, «Наводир ул-вақое» (Нодир воқеалар), И.М.Мўминов таҳрири остида, «Фан» нашриёти, Тошкент, 1964 йил 63-бет.

«Яна «Шернинг ҳиммати ва муруввати ҳақида»ги ҳикоясида: «... агар бирорнинг сенга ҳожати тушиб бош эгиб келса, душманинг бўлса ҳам унинг узрини қабул қилиб, ҳожатини чиқаргил; агарда бирордан яхшилик кутар экансан, унга сен ҳам яхшилик қил...»¹, дея меҳр-мурувватли, сахиъ бўлишга чақиради.

Хусусан, унинг «Рисолаи тарихий амирон мангит» («Мангит амирлари тарихи ҳақида рисола») номли машҳур асарида мамлакатнинг ёрқин тасвири берилган. Унда бошқарув тизими баёни, халқларнинг аҳволи, Россия билан уруш масалалари ёритилган. Аҳмад Дониш амир Донийолдан то Абдулаҳадгача бўлган барча Бухоро амирларини давлат ва унинг фуқаролари фаровонлиги йўлида эмас, балки фақат ўз шахсий манфаати йўлида қайғурган нўноқ ҳукмдорлар сифатида тасвирлайди. «*Улар,- деб ёзди у - нима топишса, ўшани олиб қўйишган, бева-бечоралар шамчирогидаги оловдан тортиб, вақф омборидаги галлагача ўғирлашар, қорин ғами ва қувончу хурсандликларига хизмат қиласа бўлди эди. Ҳеч ким қаршилик кўрсатишга журъат этолмасди. Амирлар ва ҳокимлар орасида қиморбозлик, майхўрлик ва бузуқлик авж олди, деҳқон ва ҳунармандларда эса шафқатсизлик, эзиш, солиқлар ва аминона, вакилона каби йигим сероблигидан на туриш, на юришга ҳол қолди*». Мана шундай ҳаётдан мисоллар келтириб, у шундай ёзди: «*Агар бирор бева бозорга бир туп ип олиб келиб уни уч фулусга (маҳаллий танга) сотса, шундан икки фулусини амин олиб қўяди, агар бирор киши бир boglam ўтинни уч дарҳамга сотса, шундан икки қисми амин улуши бўлади*».

Аҳмад Донишнинг фикрига кўра, «давлат бир гуруҳ кишилар эҳтиёжларини қондириш учун эмас, халқ манфаатлари учун, мамлакатни обод қилиш учун хизмат қилмоғи зарур. Биз дунёни гуллаб-яшнатиш учун, денгизлар кезиб, ўрганиш учун, ер ости бойликларини топиш учун тугилганимиз», - деб ёзган эди. Бунинг учун ҳукмдор билимдон, маърифатли, одил бўлиб, ўз фуқаролари манфаатлари учун хизмат қилмоғи шарт. У қандай масалани ҳал қилмасин, энг аввало, ўзини фуқаро ўрнида, уларни эса ўз ўрнида тасаввур қилмоғи лозим. Бу адолатни таъминлашга имкон яратади.

Аҳмад Дониш ўз ватанини қолоқлиқдан чиқариш йўлларини тинмай излади. «*Киши ўз ватанини ҳимоя қилсагина, ўз халқи билан бирга бўлсагина, у ҳар доим баҳтиёрdir*», - деб таъкидлайди.

Аҳмад Дониш Шарқ мутафаккирлари таълимотини ўрга-

ниш билан бир қаторда Фарбда тарқалган ижтимоий-сиёсий таълимотлар билан ҳам қизиқади. Гарчи бу таълимотларни Дониш қабул қилмаган бўлса-да, унинг буларга нисбатан ўлган муносабати мутафаккирни кенг кўламдаги тадқиқотчи ва ижтимоий-сиёсий орзулари кенгроқ эканлигини кўриш имконини беради. Аҳмад Дониш XIX асрнинг иккинчи ярми шароитида Бухоро ижтимоий-фалсафий фикрлари соҳасида илгор прогрессив оқимнинг асосчиси, ажойиб маърифатпарниар олим эди. У феодал ва амирлик тузумига қарши чиқиб, Європа, рус маданиятини Бухорога ёйиш йўлида хизмат қилди; халқ оммасининг манфаатлари учун ўзига хос йўл билан курашди. У ўша вақт тарихий шароитини ўзининг илгор сиёсий, назарий, фалсафий фикр-қоидалари орқали изоҳлашга ҳаракат қилди.

Аҳмад Дониш Бухоро амирлиги усул-идорасини, руҳонийлар ва зодагонларнинг бузуқ айш-ишратларини, мазмун-маънносиз турмушкини танқид қилади ва камбағалларнинг оғир ҳаёт кечириш сабабларини очиб беради. Энг муҳими шундаки, Аҳмад Дониш асарларида янгилик, олға интилиш, замонавий маданият, Європа, рус маданияти, мазлум халқ манфаатларини назар-эътиборга олиш, мамлакат ободонлиги, унинг техника юксалишини чин қалбдан исташ гоялари етакчи ҳисобланади. Бу гоялар «Наводир ул-вақое» асарида, айниқса, яққол кўринади ва Аҳмад Донишнинг фалсафий дунёқарашини аниқлаш жиҳатидан муҳим аҳамиятга эгадир. Ўрта аср фалсафасида кенг тарқалган таваккул назариясини танқид қилиб бундай деб ёзди: «*Агар киши таваккулга ишониб ҳаракат қилмаса, меҳнат қилмаса па қийинчиликда, камбағаллик билан ҳаёт кечириш ёки мўлкүлликда яшаш қисматда бор экан, деб айтса, ундай киши хато қилади. Демак, у ақлли эмас*». Асарда жуда кўп ижтимоий-ахлоқий масалалар хусусида фикр юритилган.

«Фарзандларга васият, касб ва ҳунарнинг фойдалари ҳақида»ги ҳикоясида: «*Энди (ѓигилларим), сизларга айтадиган менинг васиятим шулки, сизлар ҳалқнинг ҳожатини чиқарадиган бир ҳунарнинг бошини ушланглар. Шу билан жамиятга ҳам ёрдам қилган бўласизлар. Зинҳор, мол тўплаб, дунё кўпайтиришга тиришманлар. Дунё тўплашга киришганлар ботқоқ лойига ботадилар. Қайси бир ҳунар, қайси бир касбни қилмоқчи бўлсангиз, ундан кутилган мақсад ҳалқ учун фойда етказиш бўлсин. Илм ўқиб, ҳунар орттиришда ватандошларнинг ҳожатларини чиқаришга ният қилинглар*».¹

¹ Ўша асар, 304-бет

1 Ўша асар, 326-бет.

Аҳмад Дониш ушбу васиятлари билан авваламбор ҳар бир инсон, айниқса, ёшлар ҳунар эгаллашга интилиши ва шу касб-ҳунари албатта халққа, давлатга, жамиятга фойда келтириши зарурлигини насиҳат қилади, уқтиради.

Аҳмад Дониш «Ин рисолаист ислоҳ миёни шия ва сунн» («Шиялар ва суннийларни яраштириш тӯғрисида насиҳат») деган қўллётманинг ҳам муаллифидир. Бу асар унинг диний дунёқарашларига муносабатини белгилаб беришда алоҳида аҳамиятга эгадир. Ушбу асарда Ўрта Осиё тарихи, шия ва суннийларнинг ўзаро курашлари тарихи ҳамда унинг сабаблари юзасидан бой материаллар берилган. Бунда у шия ва суннийларнинг муросага келиш масаласига алоҳида эътибор қаратган. Аҳмад Дониш асарлари исломнинг фалсафий моҳиятини янгича ўқиши, унинг дунёни тушунтириш ва инсоннинг бу дунёда тутган ўрнини тӯғри тушунишнинг ёрқин намойиши бўлди. У Қуръондаги билим, ўгитларга шунчаки риоя қилиш эмас, балки ўз замини, ўз тақдирининг эгаси бўлиш зарурлигини уқтиради.

Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875-1919)

Маҳмудхўжа Беҳбудий 1875 йилнинг 19 январида Самарқанд яқинидаги Бахшитепа қишлоғига туғилган. Отаси Солиҳхўжа ўғли туркистонлик, Аҳмад Яссавийнинг авлодларидан, она томонидан бобоси Ниёзхўжа урганчлик бўлиб, амир Шоҳмурод замонида Самарқандга келиб қолган. Отаси вафотидан сўнг ёш Маҳмудхўжа тогаси қози Муҳаммад Сиддиқ тарбияси ва қарамогида ўсади. Беҳбудий 18 ёшидан қозихонада мирзолик қила бошлайди. Ўз устида қунт билан ишлаб, қози, муфти даражасигача кўтарилади.

1899-1900 йилларда Беҳбудий ҳаж сафарига боради. Дунё кўриш изсиз кетмайди. Сафар янги мактабларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Шу йилларда мактаблар учун «Рисолаи асбоби савод», «Рисолаи жуғрофияи умроний», «Амалиёти ислом», «Тарихи ислом» ва ҳ.к. китоблар пайдо бўлади.

Беҳбудийнинг ташаббуси билан чиққан «Ойна» журнали маърифат ва маданият тарқатишида жуда катта хизмат қилган. «Ойна» журнали алломанинг қайноқ фаолиятини кўрсатадиган ва foяларини илгари сурган ёрқин ёдгорлик ҳисобланади. Унда миллат ва унинг ҳақ-ҳуқуқлари, тарихига, тил-адабиёт масалаларига, дунё аҳволига доир қизиқарли мақолалар, баҳслар бериб борилган. Айниқса, тил масаласи му-

ҳаррирнинг ҳамиша диққат марказида турди. Беҳбудий миллатнинг тараққийси учун бир неча тил билишни шарт ҳисобларди. Журналнинг 1913 йил 13 августдаги биринчи нишона сонидаёқ «Икки эмас, тўрт тил лозим» деган мақола билан чиққан эди. Бунга мисол тариқасида, «Ойна» журналининг тўрт тилда номланиши («Ойна», «Қўзгу», «Миръот», «Зеркало») чет тилларни билиш ва эгаллаш зарурлигидан далолат беради.

Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистон парламентида фақат рус тилидагина гапириш катта хато бўлур эди, деб ҳисобларди, туркий ва рус тиллари teng ҳуқуққа эга бўлиши керак ва бу нарса эртами-кечми амалга ошади деб ишонарди. Дарҳақиқат, тилларни ҳурмат қилиш бу - миллатларни ҳурмат қилиш, уларни тушуниш ва биргаликда баҳамжиҳат яшаш дегани. Миллатларро тотувлик ҳукм сурган давлатда эса албатта тинчлик-тотувлик, ўсиш, ривожланиш бўлади.

Дарҳақиқат, Беҳбудий тинчлик, муроса тарафдори бўлгани сабабли мустамлакачиликка қарши қонсиз кураш олиб бориш зарурлигини англаб, ҳар қандай инқилобга қарши эди. У доимо диққат билан Дума ишини кузатар, парламент кураши орқали кўп нарсага эришса бўлади, деб ҳисобларди. Ҳатто, Россия таркибида туриб ҳам Туркистон ўз мустақиллигига эришиши мумкин, деб ўйларди.

Беҳбудий фикрича, демократик Россия доирасида Туркистоннинг муҳторият мақоми остида яшashi учун асосий шарт - бу ички можаро ва зиддиятларга барҳам бериш эди. «Баёни ҳақиқат» мақоласида:

«Биз истаймизки, бутун Россия мусулмонлари муҳторият (федерация) усули юзасидан тириклик қилсунлар. Россия мусулмонларининг ҳар бир шўъбаси муҳити жуғрофия ва мамлакатларини ҳудуд табияси (чегараси) бўйича айрим бўлакларга бўлинниб, ўз тарафларидан ўз ҳуррият ва одатларига мувофиқ ... идора қилиниб ва бутун Россия мусулмонлари учун Россия пойтахтида бир «Мусулмон марказий идора» вужудга келтирилиб, сиёсий ва иқтисодий ва мамлакат ишларига руслар ила қўлма-қўл ушлаб, дунё ва тараққий майдонига ҳаракат ва бирга жавлон этилсун... Муҳториятли майшатни вужудга келтирмоқ учун... ал-хусус, биз - Туркистон мусулмонларига лозимки, аввало, қадим ва жадид низо лафзинин қўйиб, ўзаро иттифоқ истасак. Туркистон мусулмонлари бундаги русий, яҳудий ва бошқалар қўшилган ҳолда ўз бошларига русиянинг бир парчаси ҳисобланана турган Туркистон ҳукумини (ҳукуматини) таъсис этсак, ўзимиз мажлис машваратимиз (парламентимиз) бўлсин, десак, Туркистон

тон мусулмонлари шариат ва одатларига, ўз закун ва динларига мувоғиқ тириклик қилсинглар. Туркистон яхудий, насроний ва мусулмонлари учун ҳаммаларининг манфаатларини зътиборга олатургон қонунлар тузулсин. Агарда биз Туркистон мусулмонлари хоҳласакки, дин ва миллатимизни... иттифоқ этиб, бугундан ислоҳотга, иттифоққа қадам қўйсалар... зиёли ва тараққийпарваримиз, бой ва уламомиз бирлашиб, дин ва миллат, ватан ривожи учун хизмат этсак... Ўзимиздан бора-бора тадрижий суратда аскарларимиз бўлинсин. Ул миллий аскарлармизнинг вазифасини, қиёфат ва шаклини, либос ва тарзи майшатини ўзимиз тайин қилурмиз. Мана, бизнинг олдимизда энг катта ишлар турибдур... Ҳозирги аҳволига қараганда яна биз мусулмонлар русларнинг фуқароси ва раиёси бўлган ўлгадек, алардан даст ва ривожига қолурмиз. Колония қоидаси илиа бизни идора этарларки, бунга ўз ихтилофимиз сабаб бўлур»,¹ дейди. Кўриниб турибдик, Беҳбудий қон тўкилишига қарши бўлиб, мустақилликка тинч йўл билан эришиш тарафдори бўлган. Унинг фикрича, мустақилликка эришиш йўлидаги энг муҳим навбатдаги қадамлардан бири бу ёшлар ва кекса авлод вакилларининг бирлашуви эди. Ёш авлод ўзидаги шошқалоқлик иллатидан қутулиб, масалаларни ҳал қилишда илмий асосларга суюниб иш кўриши ва мустаҳкам ирода намоён этиши керак дейди. Бу эса ўз навбатида ёшларни чуқур билим эгаллашга, бирлашишга, маънан етук, комил инсонлар бўлиб этишишга чорлаган.

Шунинг учун Беҳбудийнинг диққат марказида турган масалалардан бири маориф тизимини ислоҳ килишдан иборат эди. Миллий манфаатларни ҳимоя қила биладиган, иқтисодий ва сиёсий қарамлик ва қолоқликдан чиқиш муаммоларини еча оладиган замонавий билимга эга, саводли кадрлар бўлиши зарурлигини яхши англаган. «*Биз динимиз ва мамлакатимизни ҳимоя қилишда ишончли ва мустаҳкам во-ситага эга бўлмоғимиз шарт. Бу восита маорифдир*», - дейди Беҳбудий. Унинг бу фикрлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Жадидлар ўз мақолаларида ва асарларида маориф, ижтимоий ҳаёт ва турмуш тарзининг айрим томонларини ислоҳ қилиш зарурлигини уқтириш билан бирга, ёшлар диққатини мусулмонларнинг ўтмиш маданиятига, маънавий поклик

¹ Алимова Д.А., «Маҳмудхужа Беҳбудий ва унинг тарихий тафаккури», «Академия», Тошкент, 1999 йил, 24-бет.

мисалаларига жалб қилдилар ва ўтмишни мавжуд аҳволга таққослаб кўрсатишга интилдилар.

Жадидлар энг маъқул ва мақбул жамият деб демократик жамият барпо қилишни кўзда тутгандиларки, бундай жамиятда демократик ҳуқуқ ва эркинликлар конституция йўли билан ҳимоя этилиши зарур эди. Уларнинг беқиёс хизматларидан яна бири бу барча Туркистон халқлари ва миллатларининг қонун олдидаги тенглиги ҳақидаги гоянинг илгари суримиши бўлиб, бунга кўра Туркистон фуқаролари жамият ҳаётининг барча иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маданий жабҳаларда тенг ҳуқуққа эга бўлишлари лозим эди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий 1919 йил Қарши беги Тоғайбекнинг буйруғи билан зиндан яқинидаги «подшолик чорбоги»да ўлдирилган. Бугун Беҳбудий кабилар муқаддас тутган юрт озод ва мустақил бўлди. Улар жон фидо этган истиқлол авлодларига насиб этди. Миллат ва Ватан мустақиллиги йўлида фидо бўлганлар эса шу Миллат ва Ватан умри каби боқийдирлар.

Абдулла Авлоний (1878-1934)

Абдулла Авлоний 1878 йилнинг 12 июлида Тошкентда туғилган. Отаси Миравлон aka майда ҳунармандчилик - тўқувчилик билан шуғулланган. Абдулла 7 ёшида Ўқчидаги эски мактабда Акрамхон домлада савод чиқарди. 1890 йил шу маҳалладаги мадрасага ўтди. Шу йилларда Навоий, Фузулий газалларини ўрганди ва меҳр қўйди.

Форс, рус, озарбайжон, араб тилларини мукаммал ўрганиб, шарқ ва гарб маданияти классиклари билан яхшигина таниш бўлган. 1930 йилда САГУ педагогика факултетининг тил билими кафедраси бўйича профессор бўлиб тасдиқлангани бежиз эмас. Оренбург, Қозон, Тифлисда чиқиб турган газета-журналларни доимо кузатиб борган. Қисқа муддат ичida у маърифатпарвар сифатида танилди ва ўлкадаги ижтимоий-маданий ҳаракатчиликнинг фаол намояндларидан бирига айланди.

Авлоний 1927 йилда «Меҳнат қаҳрамони» унвони билан тақдирланди. 1930 йилда унга «Ўзбекистон халқ маорифи зарбори» фахрий унвони берилди.

1900 йилда Авлоний тошкентлик саводгар бир хонадоннинг Саломатхон деган қизига уйланди. Улар уч қиз ва уч ўғил фарзанд кўрдилар.

Абдулла Авлоний 1934 йил 25 августда вафот этди.

У ўз замонаси ning куюнчак одами, ҳақиқий Ватан фарзанди эди. Авлоний бутун умри давомида халқ дарди билан яшади. Ўз халқи ғамига ҳамдард бўлибгина қолмади, уни истиқболи учун қайғурди, унга озодлик ва баҳт қидирди, уни муқаддас гоялар учун курашга даъват қилди. Мактаблар очиб, кенг халқни маърифатли қилишга, ёшларни даврнинг илгор гоялари руҳида тарбиялашга уринди. Жадидчилик ҳаракатининг майдонга келишига ва тараққий этишига хизмат қилди.

Бунга мисол, Авлоний 1909 йилда «Жамияти хайрия» очди ва маҳаллий халқ болалари ўқиб, чет элларда билим олиши учун пул йигиб мактабларга тарқатди. Бундан ташқари ёрдамга муҳтоҷларнинг моддий аҳволини яхшилаш, етимлар, кексалар, ногиронлар учун касалхона, амбулатория, чойхона, ошхона, ётоқжойлар очишиди. 1919 йилга келиб жадид-маърифатпарварларнинг ташаббуси билан «Турон» жамияти майдонга келди. Унинг асосий мақсади қўйидагича белгиланди:

- аҳоли ўртасида саҳна ишларига, эзгуликка муҳаббат уйғотиш, жиддий муносабат ўстириш;
- халқ учун спектакллар қўйиб бериш ва улар орқали халққа соғлом хордиқ бағишлиш;
- маънавий ва моддий аҳволини яхшилашга муҳтоҷ бўлган кишиларга ёрдам бериш.

Кўриниб турибдики, Авлоний одамларнинг маърифатли, эзгу гоялар билан сугорилган, маданиятли, бағрикент инсон бўлишларини орзу қўлган. Унинг «Арслон ва айиқ» ҳикояси бунга ибратли мисол бўла олади. Ҳикояда арслон билан айиқ дўстлашади. Дўстлар овга чиқиб, кийикни қўлга туширадилар. Лекин уни тақсимлашда келишолмай қоладилар. Арслон катталигини пеш қиласи ва ўлжанинг кўпрогини талаб этади. Айиқ эса кичикилигига қарамай кўп меҳнат қилганини ятади. Бахслашув урушга айланади. Иккала томон ҳам холдан тояди. Бундан бўрилар хабар топиб ўлжани паққос туширадилар. Иккала дўстга эса сұяклар қолади, холос. Ҳикоядан келиб чиқадиган хулоса шуки, агар одамларни бирдамлик, ҳамжихатлик, дўстлик, ўзаро ҳурмат каби олийжаноб хислатлар бирлаштириб турмас экан, улар ўртасида иттифоқсизлик хукм сурар экан, у ҳалокатли оқибатларга олиб келиши муқаррардир. Бу эса бугунги кунга қадар энг муҳим муаммолардан бири бўлиб келмоқда.

Авлоний адолатни, ҳар бир миллатнинг озод ва баҳтли бўлиш хуқуқини дунёning асоси деб билади, бирорвга «жабр қилувчининг ёқаси ҳеч қачон жазо қўлидан қутула олмас»-

лигини ятади. Зулмни қоралар экан, «Мазлумнинг оҳидан ўткур насрар йўқ»:

*Ҳазар қил оҳидан, афғонидан у мазлумни
Бир оҳ бирла солур бошинга бутун аросат,*

дэя эрк ва озодликни ҳар нарсадан баланд қўяди.

Алоҳида таъкидлаш керакки, нодонлик ва жаҳолатга қарши кураш, уни сўнгсиз қаҳру газаб билан инкор этиш, жами фожиа ва баҳтсизликлар сабабкори сифатида талқин қилиш жадидлар фаолиятининг асосий хусусиятларидан бирини ташкил қиласи.

Авлонийнинг 1912 йилда босилиб чиқсан «Дунё фожеасиндан» деб номланган шеъри бунга мисол бўла олади. Ундан бир парча:

*Ҳайвон каби ҳар ерда инсон қилинур курчон,
Фиръавна бу кунларда тақлид этиор инсон,
Бу кори фанолардин ҳатто ўртанур шайтон,
Бу жабру ситамларнинг маъноси надур, билмам.*

*Диққат-ла боқур бўлсанг, ақлингни босур ҳайрат,
Ҳақ пастда қолуб, ноҳақ пул бирла топур қувват,
Бўлгуси забун ҳолинг, йўқ санда агар сарват,
Халқнинг бу қизиқдиргон дунёси надур, билмам.¹*

Ушбу сатрларда шоир инсоният оламида инсонча ҳаёт йўқлигини, беҳуда тўқилаётган қонлар, одамларнинг ҳайвонча қадри йўқлигини куйлади. Авлоний ҳокимлар ва тобелар – «кучлилар» ва «кучсизлар» ўртасидаги муносабатларга эътибор беради. Бу муносабатларда инсон номига муносаби белги топа олмайди. Аксинча, улар йиртқич ҳайвонларнинг зўри ожизини маҳв этиш асосига қурилган турмуш тарзини эсга туширади. Лекин йиртқич ҳайвон билан «инсон-дарранда» орасида фарқ бор. Бу фарқ шундаки, «инсон-дарранда» сўзлайдиган, фикрлайдиган йиртқичидир. У инсоф ва виждандан лофт уради. Дўстлик, биродарлик ҳақида соатлаб ваъз ўқий олади. Эгнидан тақво либоси тушмайди. Бу биргина Туркистонга хос ҳол эмас. У ҳамма ерда мавжуд. Шоир бундай ҳолни рақиб миллат ичиди эмас, миллатлар орасида ҳам кўради. Масалан,

¹ Абдулла Авлоний (Истиқлол қаҳрамонлари), танланган асарлар, 1-жилд, (шеърлар, ибратлар), Тошкент, «Маънавият», 1998 йил, 98-бет.

мамлакатлар ўртасида бўлиб турадиган урушлар шунинг бир кўриниши, деб ҳисоблайди. Бироқ «*Бу кунда маданий миллатлар урушларини тижорат ва саноатга айландурдилар ва бу сояда бир-бирларига ғалаба ва рақобат қила бошладилар. Сеҳгарлик ва жодугарлик ила эмас, тижорат ва саноатгарлик ила чолишкон Ёвропа, Африко ва Осиёни ўзига асир ва мусаххар қилмоқдадур*».¹ Бу билан аввало шоир миллатларнинг ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётганини таъкидлаб, уларни огоҳлантирмоқчи бўлади ва замонлар оша халқнинг озод, обод яшашига ишонади. «Истиқболдан орзуларим» шеърида:

*Гарчи ман маъюсу пургам миллатим аҳволидан,
Қатъ уммид айламам таъмини истиқболидан,
Илма рагбат истарам миллатни ёшу чолидан,
Илму дониш яхши зийнат қиз-хотунга молидан,
Илм олуб, шояд қутулса гафлатинг чанголидан.²*

дея, эрк ва озодликни ҳар нарсадан баланд тутади ва унга олиб борадиган бирдан-бир йўл илм-маърифатни билиш, унинг атрофида бир тану жон бўлиб бирлашиш керак, деб уқтиради. Авлоний одамлар ўртасида меҳр-муҳаббат, дўстлик қарор топишига, адолат ва ҳақиқат тантана қилишига, ёргу кунлар келишига астойдил ишонади. Бунинг учун эса халқ ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаган бўлиши, нима учун курашаётганини аниқ билиши ва ўз йўлининг тўгрилигига ишонч ҳосил қилиши лозим, деб ҳисоблайди. Унинг 1912 йили ёзилган «Ўз миллатимдан рижойи ожизонам» шеърида халқни ўйготишга қаратилган қуйидаги сатрлар битилган:

*Ётурсан тобакай гафлат
Қучогинда, ўён, миллат,
Жаҳолат жомасин устингдан
Иргит, тур, замон, миллат,
Кетуб ҳамроҳлар, сен йўлда
Қолмоқдан утон, миллат,
Тур, ўтмай вақт, ноз уйқусидан
Кўбдир зиён, миллат,
Кўзинг оч, ётма, гафлатдан усон,
Миллат, усон, миллат.*

¹ Ўша асар, 56-бет.

² Ўша асар, 140-бет.

*Топар сан бирла авлодинг,
Омон миллат, омон миллат.¹*

Абдулла Авлоний ўттиз йилдан ортиқроқ ижод қилди. Ўтган давр ичида, ўзи таъкидлаганидек, «ўнлаб шеър ва мактаб китоблари, тўрт театр китоби» қолдириди. Унинг педагогик фаолияти, таълим-тарбия ҳақидаги фикрлари XX асрнинг бошларидаги янги босқичга кўтарилиган маърифатчиликнинг хусусиятларини белгилашда муҳим манбалардан ҳисобланади.

Фитрат (1884-1938)

Абдурауф Фитрат 1884 йил Бухорода туғилган. Фитрат Абдурауфнинг таҳаллуси бўлиб, «туғма истеъдод» маъносини беради. Отаси Абдураҳимбой савдо билан шугуллангани боис чет элларга чиқар, дунё аҳволидан боҳабар, ўқимишли одам эди. Фитрат оиласининг тўнгич фарзанди эди. У бошлангич тарбияни диний мактабда олди. 1909-1913 йилларда Туркияда таҳсил олди. Туркиядаги ҳаёти Фитратнинг дунёқараши, сиёсий онги ва адабий дидини ўзгартириб, уни ҳар томонлама ўсиши, шаклланишида катта туртки бўлди. Туркистон халқи ҳаётига Туркиядаги ўзгаришлар ва илгор мамлакатлар нуқтаи назаридан қарай бошлади, диний хурофтларни кескин таңқид қилишга, ҳатто динни, мактаб-маорифни ва Туркиядаги идора усулини ислоҳ этиш гояси билан нафас олди. Фитрат 1938 йил 5 октябрда А.Қодирий, Чўлпонлар билан бирга вахшийларча отиб ўлдирилди.

Фитрат «*Ва саххаралакумма фисасамавати вал-арз - барча ер ва осмондаги нарсаларга сизларни ҳукм этувчи деб буюрдик*», - деган оятга асосланиб, агар тоғ, темир, замин инсон бармоғи билан ўзгарар экан, нега у ўз тақдирини ўзгартиролмайди ва ҳукмдордан хайр-эҳсон кутиб яшashi керак, деган савол қўяди. У муқаддас китоб оятларини тақдирга мутелик эмас, ўз тақдирини ўзи яратишга чақириш сифатида талқин этади. Жумладан, «*инсон ҳар нарса топмасин, ўзининг интилишидан топади, интилмас экансиз, ҳеч нарсага эриша олмайсиз*», - дейди муаллифи.

¹ «Гулистон» журнали, № 5, 1994 йил, 55-бет.

Фитрат тараққиётдан орқада қолмаслик кераклигини, акс ҳолда бунинг оқибатлари келгуси авлодлар олдидаги масъулият ҳиссининг йўқолишига олиб келиши ҳақида шундай ёзади: «*агар сиз, бухороликлар бу худо берган неъматдан фойдаланмасангиз, албатта, хайял ўтмай бегоналар бу бойликларга эга бўлиб, уларнинг ҳар бирларининг устидан фабрика ва машиналар ўрнатадилар. Дунё-дунё пул ишлаб оладилар. Минглаб хизматчилар бу ишга сафарбар қилинади. У вақтда сизларнинг фарзандларингиз чорасиз қолиб, уларнинг хизматларига бўйин эгишлари муқаррар*». Фитрат бу билан иқтисодий қолоқлик сиёсий тобеликка олиб келишини кўзда тутган. Вақт ўтиши билан озодлик гоялари юзага қалқиб чиқа бошлаганини Фитратнинг «Темур сағанаси» пъесаси қаҳрамони номидан изҳор этилган қўйидаги сўзлар далилат беради: «*Хоқоним, эзилиб таланган, таланиб йиқилган, йиқилиб яраланган турк элининг бир боласи сендан кўмак истарга келди. Боғлари бузилган, гуллари сўлган, булбуллари учирилган Туроннинг қоровули сенга арз этарга келди. Бағрим ёник, юзим қора, кўнглим синик, бўйим букук, сенинг знёратингга келдим, сultonим! Эзилган бoshim, қисилган виждоним, куйган қоним, ўртаган жоним учун бу сағанангдан даво излаб келдим, хоқоним! Юз йиллардан бери жафо кўриб, ғам чекиб келган туркнинг қонли кўз ёшларини этакларингга тўкарга келдим. Қоронгулар ичра қолган ўзбек кўзлари учун тупроғингдан сурма олгани келдим. Туркнинг номуси, эътибори, иймони, виждони золимларининг оёқлари остида қолди. Туркнинг юти, улови, учоги, турони ёт қўлларга тушди. Туркнинг келгуси, онги, ўйлови, зийраклиги жаҳолат ўлкасига кетди. Сенинг қиличининг билан дунё эгаси бўлган турк тиичгина бир ётоқ тополмай қолди*».¹

Мазкур мисраларда Амир Темур хўрланган ва таланган авлодлари учун руҳий куч-қудрат сифатида таърифланган. Бу эса жадидларнинг озодлик гоясини акс эттирувчи омиллардан биридир.

Жадид-маърифатпарварлар нафақат Ватанга ва миллий қадриятларга муносабати билан, айни пайтда, умуминсоний тараққиёт ютуқларини тушунишда ҳам тарихий намуна бўлишлари мумкин. Улар ҳеч қачон миллий доирада чекланиб қолмаганлар ва уларнинг Farb цивилизацияси томон интилишларини тушуниш мумкин. Ўша пайтда Farb технологияси ва ишлаб чиқариш даражаси жиҳатидан Шарққа

¹ Зиёев Ҳамид «Тарихнинг очилмаган саҳифалари», Тошкент, «Мехнат», 2003 йил, 131-бет.

нисбатан анча илгарила б кетган эди. Шунинг учун жадидлар ёшларни билим олишлари учун Германия, Франция, Турция ва бошқа мамлакатларга ўқишига юборишни талаб қилдилар. Бундай ўта муҳим гоялар М.Беҳбутийнинг «Эҳтиёжи миллат», Ҳамзанинг «Муаллиф афандиларга улуғ рижомиз» ва Чўлпоннинг «Дўхтир Муҳаммадиёр» мақолаларида баён қилинди.

Бунда улар ўзларининг келажакдаги давлат тузумини барча миллатларнинг бирлиги асосида тасаввур этадилар. Бу ҳақда Беҳбутий шундай деган: «*Биз жорий этган қонунлар яҳудийларнииг ҳам, насронийларнииг ҳам, мусулмонларнииг ҳам ва умуман барчанинг манфаатларини ҳимоя қилиши керак. Агар биз, Туркистон мусулмонлари, биргалиқда ислоҳотлар ўтказишини истасак, бизнинг зиёлилар, маърифатпарварлар, бойлар, руҳонийлар ва олимлар миллат ва Ватан фаровонлигига хизмат қилишлари керак. Агар бизни мустамлакачилик қонунлари билан бошқараётган эканлар, бунинг сабабчиси, аввало, ўзимизнинг ноиттифоқлигимиздир.*»

Ушбу фикрларни Чўлпоннинг 1922 йилда чоп этилган «Гўзал Туркистон» шеърида баён этилган гоялар мустаҳкамлайди:

*Гўзал Туркистон, сенга не бўлди?
Саҳар вақтида гулларинг сўлди.
Чаманлар барбод, қушлар ҳам фарёд,
Ҳаммаси маҳзун, бўлмасми дил шод?
Билмам, на учун қушлар учмас bogчаларингда?
Бирлигимизнинг тебранмас тоги,
Умидимизнинг сўнмас чироги.
Бирлаш, эй ҳалқим, келгандир чоги,
Везансин энди Туркистон боғи.
Қўзгол, ҳалқим, етар шунча жабру жафолар.
Ол байрогингни, қалбинг уйғонсин,
Куллик, асорат - барчаси ёнсин.
Қўр янги давлат, ёвлар ўртансин,
Усиб Туркистон, қаддин кўтарсин!
Яйрат, яшнат ўз Ватанинг гул болгалингда.¹*

Хулоса қилиб айтганда, жадидлар ҳаракати мустамлакачиликка ва миллий зулмга асосланган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг маҳсули сифатида Туркистон мустақиллигини

¹ Чўлпон, Асарлар, уч жилдлик, 1-жилд (шеърлар, драмалар, таржима), О.Шарафиддинов таҳрири остида, Тошкент, 1994 йил, F.Фулномидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 146-бет

тиклашга қаратилган эди. Улар Россиядаги сиёсий жараёнларни диққат билан кузатиб бордилар. Лекин миллий менталитетнинг ўзига хос хусусияти бўлган ўзбек халқининг тинчликсеварликка, босиқликка мойиллигидан келиб чиқиб, уларни тинчлик йўли билан, жамоатчиликнинг ва бошқа дегал воситалар билан ҳокимият тепасида ўтирганлардан ўз мақсадлари ни амалга ошириш йўлида ён беришга интилдилар.

Ўзбек халқи маърифатпарварлар, жадидлар орзу қилган, курашган, интилган илм-маърифатли, озодлик ва ободлик, тинчлик ва миллатлараро тотувлик ҳукм сурган жамиятга йиллар, бир неча ўн йилликлар оша эришдилар. Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва әлатлар бир жону бир тан бўлиб яшаб келмоқда. Республикада 17 диний конфессия рўйхатга олинган ва расман фаолият кўрсатмоқда, 170 дан ортиқ диний ташкилотлар ишлаб турибди. Айниқса, Ватанимиз озодлиги йўлида шахид кетган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир ва бошқа халқ жигарбандларининг номи, иззат-икроми, ҳурмати ўз жойига қўйилди. Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи барпо этилди.

Алоҳида эътибор бериш керакки, жадидларнинг гоялари умумбашарий қадриятлар бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиласидиган минтаقا ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қиласиди. Қаерда миллатлараро тотувлик, озодлик, эркинлик, диний бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, дўстлик гояларининг аҳамияти англаб етилмаса, жамият ҳаётида турли зиддиятлар, муаммолар вужудга келади - улар эса тинчлик ва барқарорликка хавф солади. Бугунги кунда жаҳоннинг айрим минтақаларида содир бўлаётган миллий низолар шундан далолат беради. Президентимиз И.А. Каримов: «Бизнинг бугун эришган энг катта ютугимиз, энг катта бойлигимиз - халқимизнинг ақл-заковати, унинг танлаган йўлимизга ишончи, мамлакатимизда ҳукм суроётган халқлараро дўстлик, фуқаролар тотувлиги, юртимиз тинчлиги ва осойишталигидир»,¹ - деб таъкидлаши бежиз эмас.

¹ Каримов И.А. «Биздан Озод ва Обод Ватан қолсин», 2-том, Тошкент, «Ўзбекстон», 1996, 296-бет.

ИЗОХЛАР УЧУН

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ
УНИВЕРСИТЕТИ

БУЮК АЛЛОМАЛАР ИЖОДИДА
АҲИЛЛИК ВА
БАФРИЕНГЛИК ФОЯЛАРИ

Муҳаррир: *Файзиев Ф.*

Оригинал макет: *Агзамходжаева Д.*

Нашрга тайёрланган материалларнинг сифати, келтирилган фактлар, атоқли отлар ва бошқа маълумотларнинг аниқлиги, шунингдек, очиқ нашр этиш ман қилинган маълумотларни оммавийлаштиргани учун муаллифлар жавобгардир.

ЖИДУ рухсатисиз қайта чоп этиш ман қилинади.

Формат 84x108 1/32; Ҳажми 4,6 б.т.
Нусха сони 500. Келишилган нархда.

“ПАТЕНТ ПРЕСС” босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Тўй тепа кўчаси, 2а.

